

ХФР

1918-йил
21-йундан чиқа
бoshlagan

№46, 2023-йил
22-ноябр,
chorshanba (32.792)

O'zbekiston O'VOZI

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

Birgalikda ijtimoiy davlat sari!

ЕР РЕСУРСЛАРИДАН САМАРАЛИ ФЙДАЛАНИШ БЎЙИЧА ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 21 ноябрь куни ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш, ер ҳисобини юритиш ҳамда кадастр хизматларининг сифатини яхшилаш масалалари юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Худудлардаги иқтисодий ўсиш, озиқ-овқат хавфсизлиги, иш ўринлари ва инвестиция оқими, аввало, ерга боғлиқ. Охириги уч йилда рақамлаштириш ҳисобига 40 миллион гектар ёки жами ерларнинг 90 фоизи кадастрда давлат рўйхатидан ўтказилган.

Шу билан бирга, 44 миллион 800 минг гектар ер майдони, 8 миллион 300 мингта бино ва иншоотнинг мулк сифатидаги бозор баҳоси ҳисобланмаган. Ҳозирда мавжуд бино ва иншоотларнинг шартли кадастр қиймати 70 миллиард долларни ташкил қилади. Аслида, уларнинг ҳақиқий бозор баҳоси бундан камида 4-5 баробар кўп. Бунга ернинг бозор қиймати ҳам қўшилса, катта "иқтисодий актив" бўлади.

Соҳада замонавий аэрофотокамера ва дронлар қўлланаётгани натижасида кўп захиралар аниқланмоқда. Масалан, Қарши туманида экин ерлари 45 минг гектар деб кўрсатиб келинаётган бўлса-да, ҳисоботда яйлов бўлиб турган 5 минг 100 гектар майдон ҳам аслида суғориладиган ер эканлиги аниқланди. Бу бюджетга қанча тушум, қанча иш ўрни ва даромад йўқотилаяпти, дегани.

Умуман олганда, қишлоқ хўжалигида 286 минг гектар ернинг ҳуқуқ белгилловчи ҳужжатлари тўлиқ эмас. Доимий фойдаланиш учун ажратилган 460 минг гектар ернинг ҳуқуқий мақоми аниқ эмас. 159 минг гектар ернинг ҳужжатдаги ва амалдаги майдони бир-бирдан фарқ қилади.

Оқибатда, жами 900 минг гектардан зиёд қишлоқ хўжалиги ерлари кадастр рўйхатидан ўтмасдан турибди. Кадастри йўқлиги сабабли уларни такрорий экинлар учун расман иккиламчи ижарага бериш имкони бўлмаяпти. Булар туфайли камида 300 минг иш ўрни, такрорий экиндан олинаётган маҳсулот ҳамда норасмий ижаранинг ҳисоби юритилмаяпти.

Шу боис бундай ерлар самарадорлигини ўрганиш вазифаси қўйилди. Агар деҳқон ва фермерлар ердан унумли фойдаланаётган бўлса, улар билан ижара шартномаси тузилади ва кадастр рўйхатига олинади. Аксинча, оқилона ишлатилмаётган ерлар ҳокимлик захирасига қайтарилди.

Мутасадди вазирликларга ушбу тизимни амалиётга жорий қилиш, келгуси йил аэросуратга олиш ва қишлоқ хўжалиги ерлари кадастрини тўлиқ яқунлаш бўйича топшириқлар берилди.

Давлатимиз раҳбари ўтган ҳафтада Сурхондарёга ташрифи чоғида экспортбоп сабзавотлар экиш имкониятларини айтган эди. Худудларда буни истовчи юртдошларимиз кўп.

Шу боис ҳар бир туманда экспортбоп сабзавот экса бўладиган камида 100 гектардан бўш ерлар ажратилиши белгиланди. Бу бўйича тақдимотлар ўтказилади, маҳсулот етиштирувчилар "фермерлар мактаби"да ўқитилади. Ҳосилдор уруғлар қафолатли етказиб берилади. Экин ери "ишнинг кўзини биладиган", экспорт кўникмаларига эга инсонларга аукцион орқали ижара ҳуқуқи билан сотилади.

Йиғилишда ер ҳисобини тўғри юритиш масаласига эътибор қаратилди.

Бугунги кунда 817 минг гектар ер аҳоли яшаш жойи ва саноат худудига айланб кетган, аммо ҳисоботларда қишлоқ хўжалиги ерлари тоифасида турибди. Кадастр агентлиги ва ҳокимликларга бу ноаниқликларни ҳал қилиш, амалдаги "ер баланси"ни ҳисоботда тўғри акс эттириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Сув хўжалигида ҳам ҳужжати йўқ кўп ерлар бор. Улардан қўшимча иқтисодий самара олишнинг йўли – тўлиқ кадастрдан ўтказиш. Бир сўз билан айтганда, бу – иш ўрни учун ҳам, озиқ-овқат учун ҳам қўшимча захира.

Шу боис канал ва коллекторлар, табиий кўл ва дарёлар олдидаги ерларни ҳужжатлаштириб, аҳолига экспортбоп экинлар учун бериш вазифаси қўйилди.

Йўл хўжалигида муайян ички йўллар ва унга туташ ерларда ҳужжат йўқ. Масалан, Қорақалпоғистон ва Хоразмда ички йўллар чегарасини белгилаш вақтида аукционга чиқарса бўладиган 2 минг 700 дан зиёд бўш ер участкаси аниқланган. Шу боис келгуси йил "Ташаббусли бюджет" ва "Менинг йўлим" лойиҳалари доирасида ички йўлларнинг кадастр ҳужжатини тайёрлаш ҳам назарда тутилди.

Йиғилишда ерлардан самарали фойдаланиш масаласи атроф-лича таҳлил қилинди.

Қанчалик қийин бўлмасин, охириги беш йилда қишлоқ хўжалигидан 42,5 минг гектарни қисқартириб, аҳоли пунктлари ва саноат ерлари тоифасига ўтказилди. Лекин вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари улардан самарали фойдалана олмаяпти. Хусусан, 100 та туманда тоифаси ўзгарган 17,5 минг гектар ер на тадбиркорга берилган, на аукционга чиқарилган. Саноат зоналарида ҳам бўш ерлар бор. Оқибатда миллиардлаб сўм бюджет тушуми йўқотилган.

Ҳокимларга бу борадаги ишларни жадаллаштириш бўйича қатъий кўрсатмалар берилди.

Кадастр соҳаси учун кадрлар тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ҳам муҳим вазифалардан. Бугунги кунда бу борадаги ўқитиш сифати талаб даражасида эмас. Айрим факультет ва кафедралар номига очилган, ўқув дастурлари замондан орқада қолган.

Шу боис уларда замонавий лабораториялар ташкил қилиш, янги ўқув адабиётлари ва ҳориждан малакали мутахассислар олиб келиш зарурлиги таъкидланди.

Йиғилиш якунида вазирлик, ҳокимлик ва идоралардаги ижро интизоми ҳолатига тўхталиб ўтилди.

– Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида жуда катта ислохотларни амалга ошираяпмиз. Ҳеч бир соҳа эътибордан четда қолаётгани йўқ. Лекин, ислохотлар "қоғозда" қолиб кетмаслиги керак. Вазирлик ва тармоқ раҳбарлари, ҳокимлар жойларда уларнинг ижросини сўзсиз таъминлаши шарт, – деди Президент.

Айрим раҳбарлар рақам ортидан қувиб, сифат, самарадорлик ва талабчанликни сўсайтиргани кўрсатиб ўтилди. Ижро интизоми таъминлаш, барча дастур, "йўл харитаси" ва лойиҳаларни ўз муддатида бажариш лозимлиги қатъий таъкидланди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан мутасаддиларнинг ахбороти тингланди.

ЎЗА.

СИЙOSIY PULS

Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида жуда катта ислохотларни амалга ошираяпмиз. Ҳеч бир соҳа эътибордан четда қолаётгани йўқ. Лекин, ислохотлар "қоғозда" қолиб кетмаслиги керак. Вазирлик ва тармоқ раҳбарлари, ҳокимлар жойларда уларнинг ижросини сўзсиз таъминлаши шарт.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

СУРХОНДАРЁ МУЪЖИЗАЛАРГА ИШОНАДИ



ФРАКЦИЯМИЗ ТАКЛИФЛАРИНИ ЎТКАЗДИ

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ МАБЛАҒЛАРИ МИЛЛИОНЛАБ СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАР, УМУМХАЛҚ РЕСУРСЛАРИ ҲИСОБИДАН ШАКЛЛАНАДИ. УНИНГ МАҚСАДЛИ ВА АЛБАТТА, ТЎҒРИ САРФЛАНИШИ БАРЧА УЧУН МАНФААТЛИДИР.

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА 2024 ЙИЛ УЧУН ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ МУҲОКАМА ҚИЛИНМОҚДА. КЕЧА ҚУЙИ ПАЛАТА МАЖЛИСИДА ҲАМ УШБУ МАСАЛА ИККИНЧИ ЎҚИШДА КЎРИБ ЧИҚИЛДИ.



2 САҲИФА



БОЛАЛАР НАФАҚАСИ ВА МОДДИЙ ЁРДАМ:
ТАРТИБ ЎЗГАРМОҚДА

6 САҲИФА



«МЕНИНГ
БИРИНЧИ УЙИМ»

8 САҲИФА

PARLAMENT FAOLIYATI

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ МАБЛАҒЛАРИ МИЛЛИОНЛАБ СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАР, УМУМХАЛҚ РЕСУРСЛАРИ ҲИСОБИДАН ШАКЛЛАНДИ. УНИНГ МАҚСАДЛИ ВА АЛБАТТА, ТЎҒРИ САРФЛАНИШИ БАРЧА УЧУН МАНФААТЛИДИР.

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА 2024 ЙИЛ УЧУН ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН ЛОЙИХАСИ МУҲОКАМА ҚИЛИНМОҚДА. КЕЧА ҚҲИИ ПАЛАТА МАЖЛИСИДА ҲАМ УШБУ МАСАЛА ИККИНЧИ ЎҚИШДА КЎРИБ ЧИҚИЛДИ.

АВВАЛРОҚ ЎЗБЕКИСТОН ХДП ФРАКЦИЯСИ МАЖЛИСИДА ДЕПУТАТЛАР АҲОЛИ МАНФААТЛАРИ ҲАМДА ЖОЙЛАРДАГИ МУРОЖААТЛАРДАН КЕЛИБ ЧИҚИБ, ҚАТОР ТАКЛИФЛАРИНИ ИЛГАРИ СУРГАН ЭДИ.

ХУСУСАН, БИРИНЧИ ЎҚИШДА 40 ЁШДАН ОШГАН ФУҚАРОЛАРНИ ҚАНДЛИ ДИАБЕТ ХАСТАЛИГИГА БЕПУЛ ТЕКШИРУВДАН ЎТКАЗИШ УЧУН МАБЛАҒ АЖРАТИЛИШИ БИЛАН БОҒЛИҚ ТАКЛИФ БИЛДИРИЛГАН ЭДИ. МАСЪУЛЛАР БУНИ ИНОБАТГА ОЛГАН ҲОЛДА, ИККИНЧИ ЎҚИШДА МАЗКУР АМАЛИЁТ УЧУН 14 МИЛЛИАРД СЎМ ЙЎНАЛТИРИЛИШИНИ МАЪЛУМ ҚИЛДИ. ШУ БИЛАН БИРГА, ГЕПАТИТ В ВА С ХАСТАЛИКЛАРИНИ АНИҚЛАШ УЧУН ҲАМ 12 МИЛЛИАРДГА ЯҚИН МАБЛАҒ АЖРАТИЛИШИ ҚАЙД ЭТИЛДИ.

ФРАКЦИЯ АЪЗОЛАРИ БЕРИЛГАН ТАКЛИФЛАР ИНОБАТГА ОЛИНГАНИ УЧУН МИННАТДОРЛИК БИЛДИРДИ. ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТИ БИЛАН БОҒЛИҚ ТАКЛИФЛАР, АНИҚЛАШТИРУВЧИ САВОЛЛАР ВА ФИКРЛАР ДАВОМ ЭТДИ.



ФРАКЦИЯМИЗ ТАКЛИФЛАРИНИ ЎТКАЗДИ АЙРИМ САВОЛЛАРНИНГ ЖАВОБИ КЕЧИКАДИГАН БЎЛДИ

**Максуда ВОРИСОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги
Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси:**

— Гепатит ҳамда қандли диабет бугунги кунда аҳолининг саломатлигига хавф солиб турган ижтимоий касалликлар сирасига киради. Уларни эрта аниқлаш ва эрта даволаш билан қамраб олиш жуда муҳим. Бу масала Давлат бюджетни лойиҳасидан жой олгани таҳсинга лойиқ. Лекин соғлиқни сақлаш соҳасида яна бошқа ечимини кутаётган масалалар ҳам бор.

Масалан, бутун дунёда аҳоли тиббий суғуртаси аҳоли жон бошига қараб молиялаштиришга қаратилади. Бизда аҳоли сони статистика бўлимларидан олинган. Ички миграция ҳисобига олинмапти. Биргина Тошкент шаҳри ҳамда Тошкент вилоятида рўйхатда турган аҳолининг сони бошқа, доимий яшовчилар сони бошқа. Шу сабабли давлатдан кафолатланган хизматлар, дори-дармонлар пакети доимий яшайдиган фуқароларга етишмай қолиш ҳолатлари юзага келяпти.

Тошкент вилоятида доимий яшовчи аҳоли сонидан келиб чиқиб, тез тиббий ёрдам ва поликлиникалардаги шатлар қисқариб кетди. Натижада хизмат кўрсатишда ҳам камчиликлар кузатиляпти.

Статистика маълумотлар олдинги йили вафот этганлар айрилиб, туғилганлар сони қўшилган ҳолда ҳосил бўлади. Аммо пойтахтга ва унинг атрофида аҳоли кўчиб келяпти, яшайпти, ишлайпти, ўқияпти. Ўз-ўзидан одам кўпайиб борапти.

Аҳолини ҳисоблаш аввалги тартибга кўра, яъни тиббиёт муассасаларида рўйхатга олинган фуқаролар инobatга олинса, реал яшаётган одамлар сони келиб чиқади. Ана шунда баъзи бир ҳудудларда доимий яшовчилар рўйхатида тургану ўзи йўқ одамга маблағ ажратилиши ва бунинг оқибатида бошқа жойда фонд етишмаслиги ҳолатларига чек қўйилади, деб ўйлайман.

**Анвар ҲАСАНОВ,
Иқтисодиёт ва молия вазирлиги
бошқарма бошлиғи ўринбосари:**

— Биз айна пайтда статистикадан маълумот олишга мажбуримиз. Чунки электрон рўйхатни шакллантириш ишлари ниҳоясига етмади. Масалан, Сирдарё вилоятида бу жараён 95 фоиз бажарилди ва аниқ рақамлар намоён бўлмоқда. Айтайлик, Сирдарё туманида 2020 йилда 127 минг аҳоли бўлгани ҳақида маълумотлар тақдим этилган. Ваҳоланки, жорий йилнинг февраль ойи ҳолатига уларнинг сони 127 минг нафарга етган. Электрон тизим ёрдамида реал яшаётган одамлар сони аниқланмоқда. Агар электронлаштириш тизими тезроқ якунига етса, бу масалага ойдинлик киритилади.

**Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги
Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси Дилбар
Мамаджанова** Ташқи миграцияси агентлигининг хорижий ваколатхоналарини ташкил этиш, жиҳозлаш ва сақлаб туриш учун 35 миллиард сўм маблағ ажратилиши билан боғлиқ масалада савол билан мурожаат қилди. Ваколатхоналар қайси давлатларда ва нечта очилишини сўради. Депутатнинг саволига кечга қадар ёзма равишда жавоб берилиши маълум қилинди.

Фракциямиз аъзоси Анвархон Темиров ҳам айна жавобни олди. Чунки 2024 йил учун Давлат бюджетни тўғрисидаги масала кўрилатган бир пайтда Транспорт вазирлигидан вакил келмаган эди.

**Анвархон ТЕМИРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасидаги Ўзбекистон ХДП
фракцияси аъзоси:**

— Икки ҳафта давомида саволларимизга жавоб берган масъулларга миннатдорлик билдираман. Аммо бир масала очиб қолиб кетмоқда. Биринчи ўқишда ҳам Транспорт вазири ўринбосарига автомобиль йўллар қўмитасига ажратилган 5 триллион 400 миллиард сўмдан кўпроқ маблағ ва унинг тақсими билан боғлиқ масалада мурожаат қилган эдим. Масалан, 2 триллион 400 миллиард сўм ижтимоий ишлаб чиқариш, инфратузилма, кўприклар учун йўналтирилиши кўзда тутилмоқда. Ушбу сумма қанча кўприк қуриш ва таъмирлашга етади?..

Республика бўйича кўприкларнинг яроқчилиги ва яроқсизлигига нисбатан олинганда ажратилаётган маблағ кам.

**Фирдавс ШАРИПОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасидаги Ўзбекистон ХДП
фракцияси аъзоси:**

— Қонун лойиҳасига кўра, 2024 йилдан бошлаб ҳар бир маҳалла ўз бюджетига эга бўлиши белгиланяпти. Жисмоний шахслардан ундирилган ер ва мол-мулк солиғидан 10 фоизи уларда қолдирилиши ҳам қайд этилмоқда. Бу ҳар бир маҳалла ўртача ўзининг 100 миллион сўм бюджетига эга бўлишини аниқлатади ва бу йилдан йилга ошиб боради.

Маблағларнинг ўз вақтида ва манзилли сарфланиши бўйича маҳаллардаги бугунги бошқарув тизими таалабга жавоб берадими?



Айна пайтда фойдаланилаётган кўприкларнинг 70 фоизи ўтган асрнинг 70 йилларида қурилган. Оғир юк ташийдиган транспорт воситаси ўтса ёки умуман, юклар ортиб кетса, уларнинг бирортаси қулаб тушмаслигига ким кафолат бера олади?.. Ўтган йили шу каби ҳолатга ҳаммамиз гувоҳ бўлдик. Ёхуд Қамчиқ доводига кўприкнинг ярми битган, қолгани турибди. Бунинг сабаби маблағми ёки бошқа нарса – билмадим. Лекин бошланган иш ниҳоясига етказилиши керак.

Шунингдек, шаҳарлар ёки туманларни бир-бирига боғловчи 385 та кўприк 2023 йилда яроқсиз, деб топилган. Маблағ тақсимида ушбу жиҳатлар эътиборга олинганми? Қанча кўприк таъмирланади ёки қурилади? Имкони бўлса, шуни ойдинлаштириб беришингизни сўрайман.

**ЖАВОБ:
Абдулазиз ҲАЙДАРОВ,
Иқтисодиёт ва молия вазири
ўринбосари:**

— Бугунги кунда маҳалла тизимини такомиллаштириш бўйича Президент қарори лойиҳаси тайёрланган. Унга кўра, молиялаштириш тизими тубдан ўзгаряпти. Бугунги кунда маҳалланинг фаолияти маҳаллий бюджетдан молиялаштирилаётган бўлса, янги тартибга кўра эса бу жараён Олий Мажлис ҳузуридаги ННТларни қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ҳисобидан амалга оширилади.

Мазкур йўналиш ҳам иккита қисмга бўлинади. Биринчиси, маҳалла фаолиятини тўғридан-тўғри молиялаштириш бўлса, иккинчиси, юқорида айтган манбалардан жамланган маблағларни сарфлаш тартиби белгиланмоқда.

ЖАВОБ:

**Фаррух ҲАКИМОВ,
Иқтисодиёт ва молия вазирлиги бўлим
бошлиғи:**

— Вазирлар Маҳкамасининг сентябрь ойидаги раёсати билан объектлар кесимида рўйхат тасдиқланган. Биринчи навбатда жорий йилда якунига етмаганлари инobatга олинган. 142 та объект мавжуд ва бунинг учун 2 триллиондан ортиқроқ сўма йўналтирилади. Рўйхатини сизга кейинроқ тақдим қиламиз.

Йиғилишда, шунингдек, ҚВПларнинг ҳолати, субсидия бўйича саволлар билан мурожаат қилинди. Бу борадаги масалаларга аниқлик киритилиши ҳақида таклифлар билдирилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида ҳам ушбу масала кўриб чиқилди. Унда депутатлар партия электорати манфаатларидан келиб чиқиб, саволлар берди, таклифлар билдирди.

Қарор лойиҳасида бу жараён тизимли равишда қандай амалга оширилади, маблағлар қаерда жамланади, ким тақсимлайди каби масалалар кўрсатиб ўтилган.

Шуни айтиш керакки, маҳалла фуқаролар йиғинлари маблағларни тақсимлаш ёки молиялаштириш билан умуман шуғулланмайди. Бу ерда маҳалла уюшмаси деган бошқарув тизими яратилмапти. Бу янги тузилма бўлиб, вертикал усулда ишлайди. Яъни, республика, вилоят ҳамда туман (шаҳар) бошқаруви эга бўлади. Жамоат фонди маблағлари уюшмага етказилади. Уюшма эса электрон платформа орқали шаклландиган тўлов тизими орқали маблағларни молиялаштириб беради. Назорат тизими ҳам тартибга солинади. Шу сабабли, бу борада бирор муаммо юзага келмайди, деб ўйлаймиз.

**Жамшид ҚҲҶҚОРОВ,
Иқтисодиёт ва молия
вазири:**

— Тўғри тушунган бўлсам, маҳалла бюджетига ажратилаётган маблағлар тўғри ишлатилмади, хатоликларга йўл қўйилмайдими, деган савол берилди. Биринчидан, маҳалла бюджетининг ҳисоб рақами ғазначиликда бўлади. Ҳар бир ишлатилган пул назорат шаклида юритилади. Масалан, маҳалла ўз бюджетидан бирор бир харажат қилмоқчи бўлса, ҳамма ташкилотларга ўхшаб, тўлов шартномасини кўтариб юрмайди-да, фақатгина ўз "еттилик"нинг қарорини олиб, бериб юборади. Ана шу қарорга асосан, ғазначилик қолган масалалар билан ўзи шуғулланади. Ҳеч кимни айбламаган ҳолда, айтмоқчиманки, агар бирор бир хатолик ёки бошқа бир шубҳали ҳолатлар бўлса, ғазначиликдан ўтмайди у.

Иккинчиси эса маҳаллалар бюджетни пулни нималарга ишлатиш бўйича низом ишлаб

чиқилмапти. Унда ҳамма йўналишлар аниқ кўрсатиб қўйилади. 2024 йилда бу катта пул бўлмайди. Айнан сиз берган саволдаги хавотир сабаб оз-оздан бошлашни қарор қилганмиз. Маблағни йилдан йилга кўпайтириб бориш билан маҳалладаги одамларнинг ҳам уларни сарфлаш билан боғлиқ малакаси ортиб боришига умид қиламиз.

Халқ демократик партияси Давлат бюджетига кўзда тутилган ижтимоий харажатларнинг аниқ мақсадли бўлиши устидан депутатлик назоратини ўрнаттиш, мазкур йўналишда ижро ҳокимияти билан ҳамкорликни изчил йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қизгин муҳокамалардан кейин келгуси йил учун Давлат бюджетни лойиҳасини қўллаб-қувватлади.

**Зилола ҲАЙДУЛЛАЕВА,
Ўзбекистон ХДП
Ахборот хизмати раҳбари.**

СУРХОНДАРЁ МЎЪЖИЗАЛАРГА ИШОНАДИ

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИГА ТАШРИФИНИ ҲУДУД АҲОЛИСИ ОРЗИҚИБ КУТАДИ. ТАШРИФ ЧОҒИДА БЕЛГИЛАБ БЕРИЛГАН ВАЗИФАЛАР САРҲИСОБ ҚИЛИНИБ, КЕЛАЖАҚДА АМАЛГА ОШИРИЛИШИ ЛОЗИМ БЎЛГАН ИШЛАР БЕЛГИЛАНАДИ. БУ ВОҲАНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТИНИ ТУБДАН ЎЗГАРТИРИБ, ОДАМЛАРНИНГ БУГУНГИ КУНИДАН РОЗИ БЎЛИБ ЯШАШИГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА.

Шахло ҚОДИРОВА,
халқ депутатлари
Сурхондарё вилоят
Кенгашидаги Ўзбекистон
ХДП гуруҳи аъзоси:

– Бу гал ҳам худди шундай бўлди. Давлатимиз раҳбари Сароисиё туманида жойлашган “Тўпаланг” сув омборида бўлиб, ишчи-хизматчи ва кенг аҳоли вакиллари билан учрашди. Йирик мажмуа фаолияти билан яқиндан танишди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, улкан гидроиншоотни ҳақиқий мўъжизага қиёслаш мумкин. Ҳам сув, ҳам “яшил” энергия манбаи бўлган ҳавзанинг узунлиги 14 километр, чуқурлиги қарийб 200, эни эса 450-500 метрни ташкил қилади. Қарийб 500 миллион метр куб обиҳаёт бор.

Тоғ этакларидаги қурилиш ас-лида ўтган асрнинг 80-йилларидан кейин бошланган. Дастлаб унинг сифими 120 миллион метр куб сувга мўлжалланган эди. Кейинчалик бунёдкорликлар яна давом эттирилди. Қисқа даврда 165 миллион долларлик модернизация ишлари бажарилгани ҳам бунинг ёрқин ифодасидир. Шу билан бир қаторда, ҳар бири 12 мегаватт электр энергия ишлаб чиқарадиган “Зарчоб-1” ва “Зарчоб-2” кичик гидроэлектр станциялари фаолияти йўлга қўйилди. Уларнинг иш бошлаши билан умумий қувват 251 мегаваттга етказилди ҳамда Сароисиё, Узун, Денов, Олтинсой, Шўрчи ва Қумқўрғон туманларининг аҳолиси электр энергияси билан тўлиқ таъминландиган бўлди.

Президентимиз томонидан сифат ва самардорликка эътибор қаратиш ҳамда кичик сифимли станциялар барпо этишни кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилди. Инсонга эътибор ва сифатли таълим йилида “Зарчоб-3” кичик гидроэлектр станцияси қурилишига тамал тоши қўйилган бўлса, келажакда умумий қуввати 265 мегаватт бўлган яна 20 та ана шундай кичик манбаларни ишга тушириш кўзда тутилган. Бу манзиллар обод бўлиб, таъминот яхшиланишидан далолат беради. Янги иш жойлари яратилиб, халқимизнинг турмуши янада фаровонлашади.



БЕБАҲО ХАЗИНА

Ражабали ИСЛОМОВ,
Сароисиё туманидаги “Баракатулло-Давр-Барака” фермер хўжалиги раҳбари:

– Қишлоқ хўжалиги, чорвачилик, боғдорчилик, мева-сабзавотчилик ва бошқа йўналишларни яхши билганим учун 2017 йилда “Баракатулло-Давр-Барака” фермер хўжалигини ташкил қилдик. Тасарруфимизда 7,5 гектарли мевали боғ бор. Олма, нок, хурмо, эртапишар гилос, олча ва бошқа дарахтлардан мўл ҳосил олинмоқда. Оралик экинларга помидор, бодринг, баклажон, булғор қалампири, картошка, пиез етиштирилади. Айни кунларда 5 гектарли майдонда қарам, пиез, саримсоқпиез парвариш қилинмоқда. Мижозларимиз кўп. Маҳсулотлар Тожикистон, Афғонистон, Қозоғистон, Россия ва бошқа хоризжий мамлакатларга жўнатилади. Даромад ҳам меҳнатга яраша.

Ўтган йили соф фойда 400 миллион сўмни ташкил қилган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткични 550-600 миллион сўмга етказиш кўзда тутилган.

Давлатимиз раҳбари Сурхондарёда бўлганларида фермер хўжалигимиз фаолияти билан яқиндан танишди. Ўзаро суҳбатда соҳани янада кенгайтириш, маҳсулот турларини кўпайтириш, ҳосилдорликни ошириш, янги иш жойлари ташкил қилиш ҳақида маслаҳатлар берди. Ҳар жиҳатдан афзал бўлган усулни оммалаштириш давр талаби эканлигига эътибор қаратилди.

“Томорқада экинги экдингми, бўлди”, қабилида иш юритишнинг аллақачон вақти ўтди. Энди ҳар бир жойнинг иқлими, об-ҳавоси, шароити, имконияти ва бошқа хусусиятлари доимий эътиборда бўлиши керак. Шундагина нарх-наво барқарорлашиб, дастурхонларимиз тўкин бўлади.

ҲАҚИҚАТГА АЙЛАНГАН АФСОНА

Ботир РАЖАБОВ,
халқ депутатлари Шўрчи туман
Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи раҳбари:

– Ҳозирги кунда вилоят аҳолиси қарийб 3 миллион кишини ташкил қилмоқда. Юртдошларимизнинг асосий қисми қишлоқ жойларда яшайди. Тоғ ва чўл ҳудудларида истиқомат қилаётганлар ҳам бор.

Очиғи, одамларнинг асосий қисми “Қоратор”, “Тўпаланг”, “Сурхон”, “Сангардак”, “Ҳазорбоғ”, “Дайтўлак”, “Қумқўрғон”, “Амузанг”, “Шеробод” каби дарё ва каналлар сувларидан истеъмол қилиб келган. “Учқизил”, “Дегрез”, “Оқтепа” сув омборларидаги обиҳаёт кишиларнинг қорига яраган. Аҳолининг 40,6 фоизигина марказлашган тоза ичимлик сувидан баҳраманд эди, холос.

Давлатимиз раҳбари тошириригидан кейин жойларда 200 километрга яқин сув тармоғи барпо этилиб, 4 та йирик сув сақлайдиган иншоот қурилди. 160 километр сув тармоғи ҳамда 10 га яқин мажмуада реконструкция ва таъмирлаш ишлари сифатли амалга оширилди.

Тўғриси айтиш керак, аввалига кўпчилик “Тўпаланг”дан сув келишига ишонмаганди. Чунки, ўтган асрда ҳам бунга бир неча марта ҳаракат қилиниб, ваъдалар қоғозларда қолиб кетганди. Иккинчидан, тоғ ва қирларга қувур ётқиши, чўлу биёбонларда ҳавза қуришнинг ўзи бўладими, ахир. Бунинг учун аввало зарур техника, қолаверса, йирик маблағ талаб қилинарди.

Ватанимиз мустақиллигининг 30 йиллиги юртдошларимиз учун қувончларга бой бўлди. Қўшалоқ байрам арафасида шимолӣ ҳудудларда бунёдкорлик ишлари бошлаб юборилди. Президентимизнинг 16-17 ноябрь кунларидаги ташрифи доирасида эса Сароисиё, Денов, Шўрчи ва Қумқўрғон туманларининг 600 минг нафарга яқин аҳолиси тоза ичимлик суви билан таъминланди. Яқин келажакда Жарқўрғон, Музработ, Шеробод, Термиз ва бошқа жами 11 ҳудуднинг 1 миллион 200 мингдан ортик аҳолиси ҳам ана шундай бахтга мушарраф бўлади. Бугун сурхондарёликлар афсоналар ҳақиқатга айланганига гувоҳ бўлмоқда.

РАҚАМ

103

минг гектар

ернинг обиҳаёт танқислигига барҳам берилиши кутилмоқда.

ҲАР ТОМЧИСИ АЗИЗ

Баҳодир ТОҒАЕВ,
меҳнат фахрийси, ЎзХДП фаоли:

– Сурхондарёда бир йилда 3-4 мартагача ҳосил олиш мумкин. Аммо сувсиз ҳосил олиш тугул ҳаёт ўтказиш мушкул. Чўл ҳудудларидаги экин майдонларига обиҳаёт етказиб беришда муаммолар кўзга ташлана бошлаганди. Айниқса, ёзги мавсумда нафақат фермерлар, балки томорқа ер эгалари ва аҳоли ҳам сув танқислигидан азият чекади. Минглаб гектар томорқалар сувсизликдан яйдоқ чўлга айланганди.

Давлатимиз раҳбарининг тоширигидан кейин “Тўпаланг” сув омборининг йирик ирмоғи бўлган “Қоратор” каналида қурилиш ишлари бошлаб юборилди. Қисқа даврда 350 километрдан ортик канал ҳамда ўнлаб сув ўтказиш иншоотлари қайта қурилди. Янги кўприклар барпо этилиб, кўча ва йўллар кенгайтирилди. Бугунги кунда Сароисиё, Денов, Олтинсой, Шўрчи, Қумқўрғон туманларидаги 101,7 минг гектар майдоннинг суви яхшиланган бўлса, келажакда Шеробод, Музработ, Қизирик ва бошқа туманлардаги 103 минг гектар ернинг обиҳаёт танқислигига ҳам барҳам берилиши кутилмоқда.

Президентимиз томонидан 47 та канални бетонлаш бўйича икки йиллик дастур ишлаб чиқиш, сув йўқотилиши кўп бўлган 6 та канални таъмирлаш, келгуси йилда “Шеробод-магистрал” канални таъмирлашга 60 миллион доллар жалб этиб, 90 минг гектар ерларни тиклаш бўйича топшириқ берилди. Бундай янгиланишлар озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш билан бир қаторда, воҳанинг экспорт салоҳиятини оширишга хизмат қилиши табиий.

ЁШЛАР ИШОНЧИ МУҲИМ

Мавжуда ҲАСАНОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги
ЎзХДП фракцияси аъзоси:

– Давлатимиз раҳбари ташриф давомида Сароисиё туманидаги “Сезор” маҳалласида бўлиб, фермер хўжалигида, яқинда ташкил этилган тиббиёт пунктида ҳам бўлиб, тиббиёт ходимлари билан суҳбат қилдилар. Яратилган шароитларни ва тиббиёт ходимларининг келгусида аҳолини касаллиги бўйича хавф гуруҳга ажратган ҳолда, манзилли даволаш ва соғлигини назорат қилиш билан шўғулланиши ҳақида кўрсатмалар берди.

Вилоятда қилинган ишлар билан бирга, қилиниши керак бўлган ишлар ҳақида тўхталдилар. Мени жуда тўлқинлантириб юборгани ёшлар ҳақида алоҳида вазифалар ҳақида гапирар экан, вилоятда 1 миллион 600 минг нафар ёшлар борлиги, келгусида улар билан алоҳида шўғулланиш, ҳар бир хонадон, маҳалла ва таълим даргоҳида барқарор ижтимоий кайфият, келажакка ишонч, касб, тил эгаллаши, энг муҳими, меҳнат орқали яхши ҳаётга кириб бориши кераклигини таъкидладилар.

Иқтидорли ёшларни хорижда ўқитиш, вилоят ёшларидан 500 нафаргача ёшлар Италиянинг йирик sanoat корхоналарида тўқимачилик, қурилиш материаллари, озиқ-овқат ишлаб чиқариш ускуналарида ишлашни ўрганиб келади ва қайтга, улар ўз тадбиркорлигини йўлга қўйишга ҳар томонлама кўмак кўрсатилиши алоҳида қайд этилди.

Бир нарсани эътироф этишимиз зарур, бундан бир неча йил илгари вилоятимиз бошқа вилоятларга нисбатан ривожланиши анча орқада эди. Орзу қилардик, бошқа вилоятда тез ўзгаришлар бўляпти, бизда суст деб. Минг шўрки, ҳозир вилоятга олдин бorgan инсон ҳозир борса, жуда катта ўзгаришлар бўлганини ўз кўзи билан кўради.

РАҚАМ

200

километрга яқин

сув тармоғи барпо этилиб, 4 та йирик сув сақлайдиган иншоот қурилди.

ЙЎЛЛАР – РАВОН, МУШКУЛЛАР – ОСОН

Баҳодир ҲАТАМОВ,
Музработ туман йўллардан фойдаланиш
унитар корхонаси раҳбари, ЎзХДП фаоли:

– Йўллар узогимизни яқин, мушкулимизни осон қилади. Иқтисодиётнинг қон томири элларни элларга, дилларни дилларга боғлайди. Янги иш жойлари яратилади.

Ҳозирги кунда Сурхондарёда автомобиль йўлларининг умумий узунлиги 16 минг 175,5 километрни ташкил қилади. Унинг 2 минг 843 километри вилоят автомобиль йўллари бош бошқармаси тасарруфида бўлиб, 351 километри халқаро, 990 километри давлат, 1 минг 502 километри эса маҳаллий аҳамиятдаги йўллардир. Қолган 82 фоизи шаҳарлар, қишлоқлар, маҳалла ва овуллардаги йўллар сирасига қиради.

Президентимиз жорий йилнинг март ойида воҳага ташриф буюрганда “Бойсун-Денов” йўналишидаги йўллар талабга жавоб бермаслигини алоҳида таъкидлаганди. Шундан кейин “Дарбанд-Бойсун-Элбаён” автомобиль йўлининг 5-7 километр қисми ва “Мангузар-Жарқўрғон-Бандихон-Олтинсой-Денов” автомобиль йўлининг 128-174 километрида (жами 111 километр) қурилиш-бунёдкорлик ишлари бошланди. Ҳозирги кунда Озарбайжон Республикасининг “Ланкаран Ёл Тикинти” компанияси томонидан цемент-бетон қопламалар ётқирилмоқда. Бу 298 километр узунликдаги автомобиль йўлини 146 километрга қисқартириши билан бир қаторда, Тожикистон, Афғонистон ва Яқин Шарқ мамлакатларига олиб ўтилаётган юкларнинг ҳаракатланиш вақти ва узлуксизлигини ҳам таъминлайди. Шу тариқа Сурхондарё бутун Ўзбекистон, катта ҳажон билан мустаҳкам боғланмоқда.

**Саҳифа материалларини “Ўзбекистон овози”
муҳбири Абдумалик ҲАЙДАРОВ тайёрлади.**

МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРДА

ҚАНЧА ЙИГИЛИШ ЎТКАЗИЛГАНИ ЭМАС,

қандай натижага эришилгани муҳим

ҲАММА МУҲИМ ҚАРОРЛАРНИ САНОҚЛИ КИШИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАВЕРИШИ ОХИР-ОҚИБАТ ЯХШИЛИК ОЛИБ КЕЛМАГАН. ШУНИ ТУШУНА ВА ТАН ОЛА БОШЛАГАНИМИЗ КАТТА ЎЗГАРИШЛАРГА АСОС БЎЛИШИ КЕРАК.

ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИДА ДЕПУТАТЛАР ФАОЛИЯТИНИ ЯХШИЛАШ, МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАР НУФУЗИНИ ОШИРИШ, ВАКОЛАТЛАРНИ КЕНГАЙТИРИШ КАБИ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНГАН. БУГҮН ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ КЕНГАШЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИ, ВАКИЛЛИК ОРГАНИДАГИ МУҲИТ ВА КАЙФИЯТ ЯНГИЛАНМОҚДА, ДЕСАК МУБОЛАҒА БЎЛМАЙДИ.

КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ, ҲУДУДЛАР ТАҚДИРИ БИЛАН БОҒЛИҚ ҚАРОРЛАРНИ БИР КИШИ ЭМАС, КЎПНИНГ ФИКРИ БИЛАН ҚАБУЛ ҚИЛИШ БЎЙИЧА АНЧА НАТИЖАЛАРГА ЭРИШИЛМОҚДА. ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ КЕНГАШЛАРИ ҲОЗИР ЭНГ МУҲИМ МАСАЛАЛАР БЎЙИЧА ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИШДА КЎПЛАБ ВАКОЛАТЛАРГА ЭГА БЎЛДИ, БУ – КЕНГАШЛАРИНИНГ САЛОҲИЯТИ, МАСЪУЛИЯТИ ОШИШИГА ЗАМИН ЯРАТДИ. ШУНГА ЯРАША МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАР ФАОЛИЯТИ СЕЗИЛАРЛИ ДАРАЖАДА ФАОЛЛАШИБ БОРИШИ ҲАМ КЕРАК. КЕНГАШЛАР УЙҒОҚ ЭКАН, ҲУДУДЛАР РИВОЖЛАНАДИ, ДЕПУТАТЛАР ФАОЛ ЭКАН, АҲОЛИНИ ЎЙЛАНТИРАЁТГАН МАСАЛАЛАРГА ЕЧИМ ТОПИЛАДИ.

ҲОЗИР ҲАММА ЖОЙДА ҲАЁТ ҚАЙНАГАН, ИСЛОҲОТЛАРНИНГ КЎЛАМИ КЕНГ. КЎПЧИЛИК КЕЛГУСИ ЙИЛ УЧУН ЯНГИ РЕЖАЛАР ТУЗИШ, ЖОРИЙ ЙИЛДАГИ ИШЛАРНИ САРҲИСОБ ҚИЛИШ ЎЙЛАРИ БИЛАН БАНД. ШУНДАЙ МУҲИМ ПАЛЛАДА МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРДАГИ ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ДЕПУТАТЛАРИ НИМАЛАР БИЛАН МАШҒУЛ, УЛАРНИНГ МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАР СЕССИЯЛАРИДА ТАШАББУСКОРЛИГИ ҚАНДАЙ?

757 МАСАЛА. КЎП ЁКИ КАМ?

Айтиш керакки, маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳларимиз жойларда Халқ демократик партиясининг электорати манфаатларини ифодалайдиган, ҳимоя қиладиган энг муҳим кучдир.

Таҳлилларга кўра, Халқ демократик партиясининг Сайловолди дастури ижросини босқичма-босқич таъминлаб боришга қаратилган амалий Ҳаракат дастурининг жорий йилга мўлжалланган қисмида 884 масала партия гуруҳлари томонидан кўриб чиқилиши белгиланган эди. Бу режа ҳар бир ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ҳолати, сайловчиларнинг хоҳиш-иродаси, аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётган масалалардан келиб чиқиб белгиланганди.

Ўтган 10 ой давомида партия гуруҳида 757 та, доимий комиссияларда 613 та, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари сессияларида эса 513 та масала кўриб чиқилди ва тегишли қарор қабул қилинган. Ушбу жараёнда депутатларимиз, фаолларимиз муҳим ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича ўз позициясини эркин билдирмоқда ва ҳимоя қилмоқда. Буларнинг барчаси партияларнинг электорати олдидаги масъулиятини ошириши аниқ.

Тақдим этилган маълумотларга назар ташласак, ўтган 10 ой вақт ичида халқ депутатлари Сирдарё вилояти, шаҳар ва туман Кенгашларидаги партия гуруҳлари томонидан 13 та масала партия гуруҳларида, 11 та масала доимий комиссия йиғилишларида ва 11 та масала сессиялар кун тартибига киритилиб, муҳокама этилган ва улар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинган қайд этилган. Ваҳоланки, вилоят Кенгашида 11 нафар, шаҳар ва туман кенгашларида 73 нафар депутатимиз бор. Бугун ўзгаришлар катта, ислохотлар кўлами кенг. Депутатлар ҳам шунга яраша фаол бўлиши, ўзгаришларга тайёр туриши керак, деб ўйлаймиз.

Жаҳонгир ОЛИМОВ, ЎЗХДП Марказий Кенгаши сектор мудири:

- Депутатлик гуруҳлари партия дастурий максдалларини амалга оширишда муҳим роль ўйнайди. Шундан келиб чиқиб, аҳолининг ижтимоий ҳимояси билан боғлиқ масалаларда парламент ва депутатлик назорати тизими йўлга қўйилган. Таҳлил қилиб кўрадиган бўлсак, кейинги пайтларда мамлакатимизда ислохотларнинг марказий нуқтасига чиқаётган муҳим соҳаларда депутатлик назорати олиб борилди ва улар сессиялар кун тартибига киритилди. **Хусусан, аҳоли бандлигини таъминлаш, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш масаласида 118 та масала сессияларда кўриб чиқилди. Соғлиқни сақлаш соҳасига тааллуқли 124 та масала, таълим тизимини янада ривожлантириш бўйича 62 та, қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш, шунингдек, намунавий маиший хизмат комплексларини ташкил этиш ҳамда транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантириш бўйича 91 та, бошқа соҳаларга оид 118 та масалалар сессияларда муҳокама этилди.**

Рақамлардан кўришиб турибдики, жойларда ечимини кутаётган масалалар оз эмас. Фуқароларни ўйлантираётган ижтимоий масалалар қай даражада самара ва натижа бераётгани

депутатлик назоратини олиб бориш давомида янада яққол, аниқ кўринади. Қонунлар, қарор, дастурлар ва бошқа муҳим ҳужжатларнинг ижроси, яъни рўёбини билиш учун кўпроқ одамлар орасида бўлиш, ҳар бир маҳаллага, ҳар бир хонадонга кириб бориш керак. Муҳими – мана шу ишни сидқидилдан бажаришда.

ЭНГ КАТТА ХАТОМИЗ НИМАДА?

**Зулфия ТҲҲИЕВА,
ЎЗХДП Бухоро вилоят кенгаши раиси,
халқ депутатлари вилоят
Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари:**

- Муҳими, қанча йиғилишда иштирок этганимиз эмас, одамларнинг мушкулени осон қилувчи таклифлар, масалаларни кўтарганимизда, деб ўйлайман. Қайси тизим, қайси соҳа яхши ишламаётгани, аҳоли нималардан норози эканини кўпроқ уларнинг ўзидан эшитамиз. Фуқаролардан олинган маълумотлар асосида камчиликларни туман ҳокимига айтган вақтларимиз кўп бўлади.

Жойлардаги кўплаб масалалар қай даражада самарали ҳал этилиши халқ депутатлари Кенгашлари фаолияти, вакиллик ҳокимиятининг ўзгаришига, юрагида ўти бор депутатлар кўлайишига ҳам боғлиқ. Очигини айтганда, бугун маҳаллий Кенгашлар илгарига қараганда анча фаоллашган. Кенгашларда бир қатор долзарб масалалар бўйича ҳисоботлар тингланмоқда, қарорлар муҳокама учун тақдим этилмоқда. Йиғилишлар анча мунозарали, савол-жавоблар билан кизгин кечади. Яхши таклифлар ва фикрлар ҳам пайдо бўлиб қолади.

Бухоро вилоятида жорий йилнинг ўтган 10 ойи давомида партия гуруҳлари томонидан 62 та масала партия гуруҳларида, 56 та масала доимий комиссия йиғилишларида ва 49 та масала сессиялар кун тартибига киритилиб, муҳокама этилган ва улар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинган.

Бугунги кунда вилоят Кенгаши депутатлари сони 16 нафар, шаҳар ва туман кенгашларидаги депутатларимиз эса 73 нафарни ташкил этмоқда. Ўтган давр набойнида 383 та депутатлик сўровлари юборилди. Шулардан 240 таси ўз ижобий ечимини топган. Ижро ҳокимияти вакиллари ҳисоботлари 41 марта эшитилди.

Лекин шуниси ҳам борки, фақат сессияларда ҳисобот бериш, қарор қабул қилиш билан иш битмайди. Албатта, уларнинг ижроси назоратга олиниши, бир масаланинг ечими учун охиригача курашиш керак бўлади. Албатта, бу йўлда тўхтаб қолиш керак эмас, ҳар доим ўзгаришлар, янгиликлар томон юриш зарур.

Партия фаоллари, депутатлик гуруҳ аъзолари ўрганган масала юзасидан қабул қилинган қарорлар ижросига яна бир бор қайтидикми? Бизнинг “нозик” жойимиз ҳам шунда бўлиб қоляпти. Тўғриси, аксарият ҳолларда қарор қабул қилиниши билан чекланиб қоляпти. Шунинг учун аҳвол ўзгариши, ислохотлар буй кўрсатиши қийинроқ бўляпти. Жон куйдириб ишласак, вазият бутунлай бошқача ҳолатга келади, деб ўйлайман.

**Сайёра ФАЙЗИЕВА,
халқ депутатлари Тошкент вилоят
Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари:**

- Депутат ўзи сайланган ҳудудда қандай дастурлар ҳаётга татбиқ этилаётганию, улар



қандай самара бераётганини бошқалардан кўра яхши билади. Қисқа қилиб айтганда, уларнинг ҳар бир куни ҳаёт билан юзма-юз бўлади, ҳар они сайловчилар билан ҳам-нафас туради. Шунинг учун жойлардаги ҳақиқий аҳволдан хабардор бўлиш, муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал қилиш, бу борада асосли таклифлар билан чиқишда халқ вакилининг ўрни ниҳоятда катта.

Сайловчилар билан учрашиш, уларнинг муаммоларини ўрганиш мақсадида чекка қишлоқларга кўп борамиз. Одамларнинг мурожаатлари асосида ёки ўзимиз кўрган, кўзгаган камчиликлар, муаммолар юзасидан таклифлар тайёрлаймиз, мутасадди ташкилотлар раҳбарларига депутатлик сўровлари жўнатамиз.

Бир мисол. Чирчиқ шаҳар кенгашидаги фаол депутатларимиздан бири Анвар Махсумов йил бошидан бери 20 га яқин депутатлик сўрови билан чиқди. Улардан айримларини келтириб ўтаман. “Маърифат” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги Низомий, Ю.Фучик, “Ватан” кўчаларидаги эски симёғочларни янгисига алмаштириш юзасидан депутатлик сўрови билан чиқилди. Мутасадди ташкилотлар масалага жиддий ёндашишди. Чунки олдинда киш, бирор муаммо келиб чиқса, аҳоли эътирозларига сабаб бўлади. Масъул корхона симёғочларни янгисига алмаштирди. Ҳозирги кунда кўчаларга яна 33 донга янги симёғоч ўрнатилиши кутилмоқда.

“Бирлик” ва “Ёшлик” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида туташ бўлган автошоҳбека-тининг йўли мукамал таъмирланиши бўйича чораларни кўриш юзасидан чиқарилган депутатлик сўрови ҳамда шаҳар Кенгашига ёзма мурожаати тегишли доимий комиссияда кўриб чиқилди. Доимий комиссия қарорига асосан 550 миллион сўм ажратилиб, узунлиги 220 метр ва эни 8 метр бўлган йўл асфальт қилинди.

Бу мисоллар бир депутатнинг фаолиятидан эди. Энди тасаввур қилинг, ҳар бир туман, шаҳар, вилоятнинг қанчадан-қанча депутати, халқ сайлаган вакиллари бор. Ҳамма юраги ёниб ишласа, ишонччи оқлаш учун беҳаловат бўлса, қанчадан-қанча мурожаатлар ҳал бўлади, одамларни ўйлантираётган кўпдан-кўп масалалар ечилади. Шундай масалалар борки, вақт ҳам, катта маблағ ҳам талаб этмайди. Шунчаки эътиборнинг ўзи ҳал қилиш учун етарли. Фақат депутат сайловчилари учун жон куйдирса бўлди.

СЎЗИНГИЗ ҲАМ, СЎРОВИНГИЗ ҲАМ КУЧЛИ БЎЛСИН!

Сайловчи маълум бир масалада депутатга мурожаат қилади. Тўғри, мурожаатларни ҳал этишга келганда, депутатларга ҳам осон тутмаслик керак. Айниқса, маҳаллий Кенгаш депутатларига. Улар ҳар куни фуқароларни қабул қилади, депутатларга осон бўлмаган шароитда муаммоларга мутасаддилар билан биргаликда ечим топишга интилади.

Маълумотларга кўра, маҳаллий Кенгашлардаги депутатларимиз томонидан жой-

ларда сайловчилар эътирозига сабаб бўлаётган масалалар юзасидан 4553 та депутатлик сўрови жўнатилган. Шундан 3121 тасига ижобий жавоб хатлари олинди. 489 марта жойлардаги ҳудудий раҳбарлар, мансабдор шахсларнинг ҳисоботлари ва ахборотлари эшитилган.

Депутатларимизнинг айтишига қараганда, жойларда бирламчи тиббий хизмат сифатининг пастлиги аҳолининг ҳақли эътирозига сабаб бўлмоқда. Соҳа бўйича қабул қилинган ҳужжатларининг жойларда етарлича ижро қилинмаётгани асосий муаммолардан бири бўлиб, бу ҳолатдан биринчи навбатда, партияимиз электорати азият чекмоқда. Шунинг учун малакали тиббий хизмат кўрсатиш масалаларида депутатлик назоратини кучайтириш керак.

Шунингдек, ёшларни ишга жойлаштириш, қишлоқ аҳолисини ичимлик суви, зарур дори воситалари билан таъминлаш ишлари таҳлилий ўрганилиб, муаммолар юзасидан тегишли ташкилотларга депутатлик сўровлари тайёрланмоқда. Албатта, натижадорлик ҳам қатъий назоратга олинмоқда.

ҚОЧАДИГАН, ҚЎРҚАДИГАН ДЕПУТАТЛАР

Очигини айтиш керак, муаммо ва мурожаатлардан қочиб юрадиган депутатлар ҳам йўқ эмас. Зиммасидаги вазифаларга эътиборсиз қараб келаётган партия гуруҳлари ҳам йўқ эмас. Хусусан, 2023 йилга мўлжалланган амалий Ҳаракат дастурида белгиланган масалалар юзасидан давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари раҳбарларининг ахборот ва ҳисоботлари етарлича эшитилмасдан қолмоқда. Аксарият ҳолларда партия гуруҳлари масалани муҳокама қилиб олиб чиқиш билан чекланиб, қабул қилинган қарорлар ижроси назоратсиз қолиш ҳолатлари кузатиляпти. Ваҳоланки, энг муҳими, эришиладиган натижадир.

Шунингдек, “марказ-вилоят-туман” тизимида парламентда кўриб чиқиладиган қонун лойиҳалари юзасидан кенг жамоатчилик таклифларини партия фракциясига тақдим этишда ҳам маҳаллий Кенгашлардаги депутатлар сусткашликларга йўл қўйишмоқда.


Тўғри, депутатларнинг ҳаммаси ҳам фаол эмас, ҳудудларимизда ечимини кутаётган, одамларни ўйлантириб келаётган муаммолар бор бўлса-да, уларни кўриб кўрмаганга олиб юрган халқ вакиллари ҳам йўқ эмас. Бундай бефарқликни замон, халқимиз қабул қила олмайди. Улар депутат тимсолида эл дарди билан яшайдиган, жойлардаги муаммоларни кўрқмасдан кўтариб чиқадиган, масалани ҳал қилмагунча тиниб-тинчимайдиган вакилни кўришни хоҳлайди. Ишончга яраша иштиёқ бўлиши керак. Фаол депутатларсиз эса демократия ҳам ривожланмайди. “Ҳаммаси жойида”, деган кайфият йўқолса, депутатнинг сўзи ҳам, сўрови ҳам кучли бўлади.

**Лазиза ШЕРОВА,
“Ўзбекистон овози” муҳбири.**

ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯ:

КЎП ИШЛАТГАН КЎП ТЎЛАШИ
АДОЛАТ ДАНДИР

ЭНЕРГИЯ ҲАР КУНИ, ҲАММАМИЗГА КЕРАК. ҚЎЛИМИЗДАГИ ТЕЛЕФОН ҚУРИЛМАСИ, УЙИМИЗДАГИ ТЕЛЕВИЗОР, ҲАВО СОВУТИБ-ИСИТГИЧ, СОЧ ҚУРИТГИЧ, КИР ЮВАДИГАН МАШИНА, ЧОЙ ҚАЙНАТГИЧ, ОШХОНАДА ОВҚАТ ТАЙЁРЛАШДА ИШЛАТИЛАДИГАН ЯНА ҚАНЧА УСКУНАЛАР, КЎЧАМИЗДАГИ АВТОМАШИНА – ҲАММАСИ ЭНЕРГИЯ СЎРАЙДИ. ЭЛЕКТР ТОКИ, ГАЗ ЁКИ БЕНЗИН БЕРМАСАК, БИРОНТАСИ ИШЛАМАЙДИ, ОҒИРИМИЗНИ ЕНГИЛ, УЗОҒИМИЗНИ ЯҚИН ҚИЛМАЙДИ. АЙНИҚСА, ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ҲАЁТИМИЗ, ТАНАМИЗ, ҲАТТО РУҲИЯТИМИЗГАЧА ЕТИБ БОРГАН, ДЕСАК МУБОЛАҒА БЎЛМАЙДИ.



Ўзимиздан ортиб, сал узокроқ қарасак, бутун мамлакат иқтисодиёти, халқимизнинг улкан рўзғори энергия, электр билан боғлиқ экани аён кўринади. Кейинги йилларда юртимиз катта яратувчилик маконига айланиб кетди, қаерга борманг, янги қурилиш, янги бино, янги ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш манзили йўлингиздан чиқади. Уларнинг ҳаммасига энергия керак, акс ҳолда, ўзгаришнинг, ўсишнинг имкони йўқ.

Афсус. Барчага керак электр энергияси бўйича бир неча йиллар аввал оғир ҳолат юзага келиб қолган. Тизимнинг тўғри ишласлиги муаммоларни янада чуқурлаштирган. Оқибатда электрда узлишлар одатий ҳолга айланиб қолган эди. Бунинг сабаби кўп, асосийларидан бири ишлаб чиқариш ва етказиб бериш нархи электр энергиясининг асл нархидан арзон эди. Етмаган пулнинг катта қисми давлат бюджетидан қоплаб келинади. Яқинда мустақилликка эришган, энергия манбалари бошқа мамлакатларга қаттиқ боғлаб ташланган давлатнинг бюджети бақувват бўлмаслиги аниқ эди. Шу тарафда масала йиллар давомида чуқурлашиб, чигаллашиб кетди.

Нарх сунъийлиги, барибир, сифатга таъсир қилади, бу – иқтисодиётнинг шафқатсиздек кўринадиган, лекин қатъий, тўғри қонуни. Шунинг учун электрда узлишлар сурункали тус олади. Арзон, аммо йўқ! Ундан кўра, нархи адолатли бўлиб, ҳар доим келиб тургани яхши эмасми?.. Бугун кўпчилик шуни тушуниб етмапти. Соҳада ўзгаришлар қилишга хайрихоҳлик билдирапти. Соғлом фикр устун келаяпти.

УЛКАН ИЖТИМОЙ КАЙФИЯТ

Ўзбекистонда нега электр энергияси аҳолига арзонроқ етказиб берилиб келган? Шу тўғрими? Нимага керак? Шундай саволлар ҳам берилади.

Бундай саволларнинг бир томондан жавоби аниқ. Мамлакат яқинда мустақил бўлган, аҳоли даромадлари ва имкониятлари катта эмас, эҳтиёжмандларни қўллаш, ижтимоий кайфиятни тушириб юбормаслик – шуларнинг ҳаммаси эзгу сабаблар.

Йиллар ўтди, аҳоли орасида электрни бошқаларга, одатдаги истеъмолчиларга нисбатан бир неча ўн баробар кўп ишлатадиган тоифалар кўпайди. Бюджетдан берилаётган ёрдамнинг катта қисми улар томонга ўтиб кетаверди. Энергетика вазирлигига кўра, бир йилда ўртача 1,15 млрд доллар маблағ аҳоли хонадонларининг энергетик эҳтиёжини субсидиялаш учун сарфланяпти. Демак, шу маблағнинг катта қисми аслида муҳтож бўлмаганларга тақсимланиб қоляпти, асосийси, шунинг ҳисобига электр етказиб бериш тобора қийинлашиб кетяпти. Бу хато механизм ва адолатдан эмас.

Шунинг учун иқтисодчилар ва халқаро ташкилотлар мамлакатимиздаги субсидиялашнинг амалдаги шаклини ижтимоий адолатсиз, деб кўп айтган. **Аммо давлат шогани йўқ, ижтимоий кайфиятни, ким қандай тушуниб, қандай талқин қилишини ўйлади.** Бутун оламни ларзага солган пан-

демия орага тушди. Ўзгариш онгли кечиктирилди.

ИККИ ТОМОНЛАМА АДОЛАТСИЗЛИК

Расмий рақамларга кўра, маиший истеъмолчиларнинг **75 фоизи (5,7 миллион хонадон)** ойига ўртача 200 кВтгача миқдорда электр энергияси сарфлайди. Улар сарфлаётган энергиянинг умумий миқдори жами хонадонларга етказиб берилаётган энергиянинг **26 фоизини** ташкил этади.

Ойига ўртача 1000 кВтдан ортиқ миқдорда электр ишлатадиган аҳоли улуши эса **атиғи 2 фоизни (146 мингта хонадон)** ташкил этса-да, жами хонадонларга етказиб берилаётган электр энергиясининг, эътибор беринг, **32 фоизини** улар ишлатади.

Демак, 75 фоиз истеъмолчи 26 фоизни, 2 фоиз истеъмолчи эса улардан кўпроқ 32 фоизни олади. Оқибатда субсидия маблағи адолатсиз сарфланиб, бунинг устига тизимдаги ҳолат оғирлашаверади.

КЕЧИККАН ЯНГИЛИК

Кейинги ойдан бошлаб электр энергиясининг ўртача истеъмол миқдоридан кўп электр энергияси ишлатувчи истеъмолчилар ўсиб боровчи коэффициент доирасида ҳақ тўлайди.

Амалдаги тариф 295 сўмликча қолмоқда, лекин кўп электр сарфлаганда шунга яраша кўпроқ тўлов қилиш белгилаб берилмоқда. Яъни, ойига 1000 кВтдан кўп электр энергияси сарфлагани учун тарифдан 2–4 бараваргача қимматроқ тўлов қила-

ди. Шовилманг, **Энергетика вазирлигининг айтишича, ўсувчан коэффициент аҳолининг 98 фоизига умуман таъсир қилмайди.**

Энергетика вазирлиги матбуот котиби маълум қилишича, одамларда тежамкорлик кайфиятини кучайтириш ҳамда «яширин иқтисодиёт» унсурларига барҳам бериш учун қўшимча ўсувчан коэффициент қўлланилиши назарда тутилмоқда.

Мамлакатимиздаги 146 мингдан ортиқ абонент 1000 киловатт/соатдан кўп электр энергияси ёқар экан. Уларнинг ҳам 10 минг нафари ойига 5 минг киловатт/соатдан ошқин, 4 мингдан ортиғи эса ойига 10 минг киловатт/соатдан зиёд электр энергияси истеъмол қиларкан. Ўзгаришлар асосан шуларга тааллуқли бўляпти.

295 СЎМ ЖОЙИДА ТУРИБДИ

Бир ойда 1000 киловатт/соатгача электр энергияси сарфласангиз, 295 сўмдан 295 минг сўм тўлайсиз. Юртимиздаги аксарият хонадон учун ҳеч нарса ўзгармайди.

Айтайлик, 4850 киловатт/соат ёққан бўлсангиз, 1001 дан 4850 гача 590 сўмдан 2 миллион 271 минг 500 сўм+295 минг сўм=жами 2 миллион 566 минг 500 сўм тўлайсиз. Олдин сиз бунинг учун жами 1 миллион 430 минг 750 сўм тўлаган бўлгансиз.

Агар бир ойда 9420 киловатт/соат ишлатсангиз, 1000 киловатт/соат учун 295 сўмдан, 1001 киловатт/соатдан 5000 киловатт/соатгача 590 сўмдан, 5001 киловатт/

соатдан 9420 киловатт/соатгача 700 сўмдан тўлов қиласиз.

Ўзгариш, коэффициентлар умуман қийин эмас, осон ва тушунарли. Бемалол ўзингиз ҳисоблаб кўрсангиз бўлади.

АЧЧИҚ МИСОЛ

Бир ойда 12 минг киловатт/соатгача электр ишлатадиганлар бор экан. Ҳақиқат 3 миллион 658 минг сўм тўларкан. Қизиғи, улар ўша ойда давлат бюджетидан 8 миллион сўмдан кўпроқ субсидия оларкан. Ойига! Ҳам кўп ишлатади, ҳам ўртача 5 миллион фойда-да.

1 ноябрдан кучга кирадиган тартибга кўра, энди улар 9 миллион 912 минг сўм тўлайдиган бўлади. Яъни, жуда кўп ишлагани учун давлат маблағи беҳуда сарфланмайди. **Ўртача, одатий истеъмолчиларни субсидиялаш, қўллаш давом этаверади.**

ЎЗИМИЗГА БОҒЛИҚ

Ўсувчан коэффициентлар нархнинг ошиши эмас, балки анча йиллардан бери кечикиб келаётган вазибаларнинг бажарилиши, энергия тежамкорлигига эришиш учун адолатли ва оқилона йўлдир. Олдинда қиш.

1 ноябрдан бошлаб аслида адолат тикланди, эҳтимол, тежамкорлик зарурати кенгроқ тушунила бошлайди. Хотиржам бўлинг, юртимиздаги 98 фоиз электр энергия истеъмолчиси тоифасига кирсангиз, ниманидир ўзгартиришга асло зарурат бўлмайди.

Лазиза ШЕРОВА.

“ҲУКУМАТ СОАТИ”

СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРИ ЖАВОБ БЕРДИ

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасида навбатдаги “Ҳукумат соати” бўлиб ўтди. Унда депутатлар “Сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, сув тежаш бўйича кўрилаётган чоралар, соҳадаги ходимларнинг меҳнат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда сув хўжалиги объекларини модернизация қилиш юзасидан амалга оширилаётган ишлар тўғрисида”ги масалани муҳокама қилди.

Кун тартибидаги масала юзасидан қуйи палата вакилларининг саволларига сув хўжалиги вазири Шавкат Ҳамроев жавоб берди.

Зулайхо АКРАМОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси:

– Минтақавий келишувлар асосида сув ресурсларидан фойдаланишда салмоқли натижаларга эришилмоқда. Халқаро келишувлар ва битимларда объектлардан биргаликда фойдаланиш, бино ҳамда иншоотларни эксплуатация қилиш тартиби ҳам кўрсатилади. Бу ишларни амалга ошириш учун давлат чегараларидан ўтиш ва қайтиш зарурати бўлади. Бугун мазкур йўналишдаги ишлар қай даражада бажарилмоқда? Битимлардаги келишувларнинг таъминлишида қандайдир муаммолар, ратификация масалалари мавжудми?..

Шавкат ҲАМРОЕВ, сув хўжалиги вазири:

– Тўғри, бу борада асосий муаммолар қўшни Қирғизистон билан юзага келган эди. Охири пайтларда уларга ечим топилди. Андижондаги сув омбори тўлиқ Ўзбекистон ҳисобига ўтди, унинг маълум бир сатҳигача фойдаланиш белгиланган. Косонсойдаги сув омбори эса тўлиқ Қирғизистон тасарруфига ўтди, ундан ҳам биргаликда фойдаланяпмиз. Исталган пайтимиз сувни очиб беришяпти. Жорий йилда икки марта комиссия аъзолари билан биргаликда ушбу ҳудудда бўлдик. Фақатгина бу икки манзилда эмас, шартномага киритилган барча объектлар келишувларимиз асосида тўлиқ ишляпти, деб ишонч билан айта оламан.

Шунингдек, Тожикистондан сув оладиган объектларимиз бор. Масалан, “Фарҳод” тўғони бор. Ундан ҳам ҳар икки давлат сувни биргаликда ишлатиб келяпти. Ҳар икки томоннинг

“Чорвоқ” сув омборимиз бор. Унинг бошланиши Ўзбекистонда бўлса, давоми Қозоғистонда ва яна Ўзбекистонга қайтади. Шунинг ўтиб-қайтиш жойларида чегарани босиб ўтиш муаммолари кузатилади. Аммо улар дипломатик каналлар билан ҳал бўлади. Умуман олганда эса келишувлар тўлиқ ишляпти.

мутахассислари у ерда фаолият олиб боради. “Қайроққум” сув омборига келсак, айрим муаммолар кузатилади. У ердagi кириш жойи Абжар, чиқиш эса Қизил қишлоқ дейилади. Шу иккита гидропост ҳам Тожикистонда жойлашган. Ўша ерга ўтиб-қайтишда муаммолар бор,

тўғри. Тожик ҳамда ўзбек гидромет мавжуд ва улар ўртасида битимлар мавжуд. Ҳар кунлик “сводка” юритилади. Қачонки шубҳалар пайдо бўлса, биргаликда бориб, сувни ўлчаш ишлар амалга оширилади.

Албатта, ҳар бир давлат чегарасида тартиб белгиланган. Исталган пайтда ва исталганча ҳаракатланиш мумкин эмас. Лекин дипломатик йўллар билан мулоқот қилиш орқали масалага ечим топиш мумкин. Огоҳлантиришсиз, келишувсиз борилганда тўсиқлар учрайди. Худди шунингдек, Қозоғистонда “Чордара” сув омбори бор. У ерда ҳам гидромет билан ўтадиган, қайтадиган, ўлчайдиган жойларида муаммолар кузатилади. Лекин эксплуатация қилишда, умумий натижага эришишда муаммолар йўқ.

Масалан, “Чорвоқ” сув омборимиз бор. Унинг бошланиши Ўзбекистонда бўлса, давоми Қозоғистонда ва яна Ўзбекистонга қайтади. Шунинг ўтиб-қайтиш жойларида чегарани босиб ўтиш муаммолари кузатилади. Аммо улар дипломатик каналлар билан ҳал бўлади. Умуман олганда эса келишувлар тўлиқ ишляпти.

Пандемия сабабли Турманистондаги масалалар эса катъийроқ. КМКга ёки “Туямўйин”га ўтиш учун минг километр йўлни ўтишга тўғри келаяпти. Бухородан ўтапти ва Қашқарадга қараб кетаяпти. Хоразмдан келган сув яна қайтиб Бухородан “Туямўйин” сув омборига кетаяпти. Қийинчиликлар бор. Лекин мулоқотлар олиб борилган ва тез кунларда 3 та жойдан ўтадиган қилинши кутиляпти. Кетишда минг километр масофани айланиб ўтишга тўғри келаяпти. Лекин қайтишда Қашқадарё ва Хоразмдан киргани боис муаммо йўқ. Айтган манзилга юклар ва маҳсулотларни олиб боришга ёрдам бериляпти.

XABARINGIZ BORMI?

2023 йил 10 ноябрда вазирлар маҳкамасининг "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" ахборот тизими орқали кам таъминланган оилаларни аниқлаш ва уларга ижтимоий нафақалар тайинлаш бўйича электрон шаклда ариза беришни жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.



БОЛАЛАР НАФАҚАСИ ВА МОДДИЙ ЁРДАМ:

ТАРТИБ ЎЗГАРМОҚДА

Мазкур қарорга мувофиқ, 2024 йил 1 апрелдан бошлаб кам таъминланган оилаларга болалар нафақаси ва моддий ёрдам тайинлаш учун онлайн ариза бериш бўйича давлат хизматини кўрсатиш йўлга қўйилади. Эътиборли жиҳати, 1 апрелдан фуқаролар ортқиқча оворагарчиликларсиз онлайн шаклда болалар нафақаси ва моддий ёрдамга ариза топширишлари мумкин бўлади. Бунда фуқаролар Ягона интерактив давлат хизматлари портали (ЯИДХП) орқали аризаларни юбориш имконияти яратилади.

2024 йил 1 апрелдан бошлаб эса "Инсон" ижтимоий хизматлар марказларининг ижтимоий ходимларига фуқароларнинг бевосита розилиги билан "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" ахборот тизими орқали кам таъминланган оилаларни аниқлаш ва уларга ижтимоий нафақалар тайинлаш бўйича электрон шаклда ариза бериш ҳуқуқи берилди.

Шунингдек, мазкур қарор билан ижтимоий нафақаларни тайинлаш мезонларига қуйидаги ўзгариш ва қўшимчалар киритилди:

2023 йил декабрь ойдан бошлаб, болалар нафақаси ва моддий ёрдам тайинлангандан сўнг "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" ахборот тизими ёрдамида ҳар ойда оиланинг иқтисодий ҳолати автоматик равишда мониторинг қилинади ҳамда оиланинг иқтисодий ҳолати яхшилланган (иккинчи кўчмас мулк ёки нотурар жой, янги автотранспорт харид қилган ёки юқори иш ҳақи олишни бошлаган) бўлса, нафақа тўлови тўхтатилади.

2023 йил ноябрь ойдан бошлаб болалар нафақаси ва моддий ёрдам олувчи оиланинг иқтисодий аҳоли ўзгариши белгиланган тайинлаш муддати кунга қадар ҳар ойда (янги тайинланган ҳолларда кейинги тўлов ойдан бошлаб) тўлов рўйхатлари шакллантирилгунга қадар қайта ариза талаб этмаган ҳолда манфаатдор вазирликлар ва идораларнинг ахборот тизимларидан электрон шаклда олинган маълумотларга мувофиқ автоматик тарзда "Ижтимоий ҳимоя

» **2023 йил декабрь ойдан бошлаб, болалар нафақаси ва моддий ёрдам тайинлангандан сўнг "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" ахборот тизими ёрдамида ҳар ойда оиланинг иқтисодий ҳолати автоматик равишда мониторинг қилинади ҳамда оиланинг иқтисодий ҳолати яхшилланган (иккинчи кўчмас мулк ёки нотурар жой, янги автотранспорт харид қилган ёки юқори иш ҳақи олишни бошлаган) бўлса, нафақа тўлови тўхтатилади.**

ягона реестри" ахборот тизими орқали қайта ўрганилади. Бунда манфаатдор вазирликлар ва идораларнинг ахборот тизимларидан маълумотлар электрон шаклда тўлиқ ёки қисман олинмаганда жорий ой тўлови рўйхатлари шакллантирилгунга қадар электрон шаклда олинган маълумотларга асосан болалар нафақаси ва моддий ёрдам тўловини тўхтатиш ёки давом эттириш тўғрисида қарор қабул қилиниши белгилаб қўйилган.

Бундан ташқари, 2023 йил 16 ноябрдан бошлаб берилган аризалар учун:

- меҳнат органларига мурожаат қилганлиги сабабли расмий бандлик талаб этилмасдан болалар нафақаси ёки моддий ёрдам тайинланган оила аъзоси болалар нафақаси ёки моддий ёрдам тайинланган ойдан бошлаб 3 ой давомида меҳнат органи орқали касбга тайёрлаш, малака ошириш, қайта тайёрлаш ўқув курсларида

ўқимаса, марказда иш изловчи ёки ишсиз сифатида рўйхатга олинмаса, ишга жойлашмаса, яққа тартибдаги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи ва ўзини ўзи банд қилган фуқаролар рўйхатига кирмаса ёки меҳнат органларининг мақбул келадиган ишга доир таклифларини мунтазам равишда (икки ва ундан ортқиқ мартаба) рад қилган бўлса кейинги ойдан болалар нафақаси ёки моддий ёрдам тўлови тўхтатилади;

- ишлаб чиқарилган муддати 12 йилдан ошмаган енгил автотранспорт воситаси мавжуд оилаларга болалар нафақаси ёки моддий ёрдам тайинлаш рад этилади. Бунда, оилада I ёки II гуруҳ ва 18 ёшгача болаликдан ногирон бўлса ишлаб чиқарилган муддати 7 йилдан ошган оилага нафақа тайинлашни рад этмаслик тартиби сақлаб қолинади;

- оила аъзолари номига расмийлаштирилган томорқа ер ва ёки деҳқон хўжалигини юритиш билан банд бўлган фақат битта оила аъзоси банд деб автоматик белгиланади;

- фуқаронинг чет элда эканлиги ёки "ҳар бир оила – тадбиркор" фаолияти билан банд эканлиги электрон маълумотлар асосида автоматик аниқланади. Бунда, маҳалла фуқаролар йиғинлари томонидан белгилаб бериш тартиби бекор қилинади;

- руҳий касалликлар бўйича диспансер ҳисобида турган оила аъзоларидан бандлик талаб этмаслик имтиёзи берилмоқда;

- расман никоҳи бекор қилинмаган алимент тўлаётган эр (хотин) оила таркибига киритилмаслиги белгиланди.

Хулоса қилиб шунни айтиш мумкин, 2024 йил 1 мартдан бошлаб "маҳалла етилиги" томонидан болалар нафақаси ёки моддий ёрдам олаётган оиланинг номига расмийлаштирилмаган, бироқ фойдаланувида бўлган автотранспорт воситалари, кўчмас мулклар ҳамда чорва моллари уларнинг аризаларида кўрсатган маълумотларга мувофиқлиги жойига чиққан ҳолда ўрганилади.

БИЛАСИЗМИ?

ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР ВА НАФАҚАЛАР МИҚДОРИ ОШИРИЛАДИ

"Иш ҳақи, пенсиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида"ги Президент Фармони (ПФ-196-сон, 17.11.2023 й.) қабул қилинди.

Фармонга кўра, 2023 йил йил 1 декабрдан:

- бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар ва нафақалар миқдори 7 фоизга;
- базавий ҳисоблаш миқдори 3 фоизга оширилади.

Шунга кўра:

- меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори – ойига 1 050 000 сўм;
- базавий ҳисоблаш миқдори – 340 000 сўм;
- пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдори – 372 минг сўм;
- ёшга доир энг кам пенсия миқдори – 725 минг сўм;

- ногиронлик пенсиялари, жумладан, иш стажини тўлиқ бўлмаган чоғдаги ногиронлик пенсиясининг энг кам миқдори – 800 000 сўм;

- меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган ногиронлик нафақаси ва болаликдан ногиронлиги бўлган шахсларга бериладиган нафақа – 800 000 сўм;

- 1941–1945 йиллардаги уруш оқибатида ногирон бўлган шахслар ва унинг қатнашчилари, шунингдек, фашистлар концлагерларининг вояга етмаган собиқ маҳбуслари ва Ленинград шаҳри қамал қилинган даврда ишлаган шахсларнинг энг кам пенсия миқдори устамаларни инобатга олган ҳолда – ойига 3 527 000 сўм;

- белгиланган ёшга доир энг кам пенсия миқдоридан (725 000 сўмдан) 800 000 сўмгача пенсия олувчиларнинг ёшга доир пенсиялари – 800 000 сўм;


- зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги фуқароларга бериладиган нафақа – 608 000 сўм;

- иш стажини тўлиқ бўлмаган чоғдаги ёшга доир пенсиянинг энг кам миқдори қўшимча тўловни ҳисобга олган ҳолда – 608 000 сўм;

- ўзгалар парваршига муҳтож ногиронлиги бўлган 18 ёшгача болаларнинг парвариши билан банд бўлган боланинг қонуний вакилига бериладиган нафақа миқдори – 608 000 сўм;

- боқувчисини йўқотганлик нафақаси олувчиларнинг бир нафар меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун нафақа миқдори – ойига 608 000 сўм этиб белгиланади ва кейинги ҳар бир меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун – 212 000 сўмдан қўшилади.

Шунингдек, боқувчисини йўқотганлик пенсияси олувчиларнинг бир нафар меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун пенсиянинг энг кам миқдори – ойига 608 000 сўм этиб белгиланади ва кейинги ҳар бир меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун амалдаги тартибга мувофиқ пенсия тўланади.




Тиббиёт ходимининг қонуний тиббий фаолиятига тўсқинлик қилганлик учун жавобгарлик мавжуд

Қонунчиликка кўра, тиббиёт ходимининг қонуний тиббий фаолиятига тўсқинлик қилиш ёки шу мақсадда тиббиёт ходимига қонунга хилоф равишда ҳар қандай шаклда таъсир ўтказиш қуйидагича жавобгарликка сабаб бўлади:

- фуқароларга БҲМнинг 5 бараваридан 7 бараваригача (1 млн 650 минг сўмдан 2 млн 310 минг сўмгача) жарима;

- мансабдор шахсларга БҲМнинг 7 бараваридан 10 бараваригача (2 млн 310 минг сўмдан 3 млн 300 минг сўмгача) миқдорда жарима солишга ёки 15 суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга.

Бундан ташқари, қасддан енгил тан жароҳати етказиш, бу ҳаракат соғлиқнинг қисқа муддат ёмонлашувига ёки меҳнат қобилиятини унча кўп давом этмайдиган турғун тарзда йўқотишга олиб келмаган бўлса, БҲМнинг 2 бараваридан 4 бараваригача (660 минг сўмдан 1 млн 320 минг сўмгача) миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.



Автотранспорт рақами кўрииб турмаса, жаримаси борми?

Йўл ҳаракати қоидаларига кўра, давлат рўйхатлаш рақам белгилари кўринмайдиган, қалбакилаштирилган, ўзгартирилган бўлса, транспорт воситаларидан фойдаланиш тақиқланади.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга кўра, давлат рақам белгиларини кўриш имкониятини чеклайдиган, уларни англашга тўсқинлик қиладиган турли ашёлар ўрнатилиш ва қоплама суртиш – ана шу қурilmаларни мусодара қилиб:

- фуқароларга 330 минг сўмдан 990 минг сўмгача;
- мансабдор шахсларга эса – 990 минг сўмдан 1 млн 650 минг сўмгача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Шарқшунослик университети коррупцияга қарши

Тошкент давлат шарқшунослик университетида "9 декабрь – Халқаро коррупцияга қарши курашиш кунини" муносабати билан коррупциявий хавф-хатарларнинг олдини олиш, уларни бартараф этиш каби масалаларга бағишланган "Очиқ эшиклар кунини" тадбири ўтказилди. Тадбирда профессор-ўқитувчилар, талабалар ва уларнинг ота-оналари ва жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Университет ректори

Гулчеҳра Рихсиева, Ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича биринчи проректор Қудратилла Омонов ҳамда Коррупцияга қарши курашиш "Комплаенс назорат" тизимини бошқариш бўлими бошлиғи Алишер Назаровлар коррупцияга қарши курашиш борасидаги маърузалари билан иштирок этишди.

Университетда Коррупцияга қарши курашиш «Комплаенс назорат» тизимини бошқариш

бўлимининг фаолияти доирасида ходимлар ва профессор-ўқитувчилар фаолиятини мунтазам таҳлил қилиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда. Бу эса эҳтимолий коррупция хавфларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш бўйича ўз вақтида чоралар кўриш имконини яратади.

Тадбирда олий таълим даргоҳида ходимлар билан тузилган меҳнат шартномаларида коррупцияга

қарши курашиш ва уни олдини олиш бўйича мажбуриятлар белгилангани ҳамда университет профессор-ўқитувчилари, ходимлари ва талабалари учун коррупциявий хатти-ҳаракатлар юзасидан хабар қилиш имкониятини берувчи ишонч телефони (71 232-16-76) ва телеграм ижтимоий тармоғида @tsuosanticorruptionbot ташкил этилгани ҳақида ҳам маълумот берилди.

Ўз мухбиримиз.

t.me/huquqiyaxborot

САНОАТ КООПЕРАЦИЯСИ – ГЛОБАЛЛАШУВ ТАЛАБИ

Бугунги халқаро ҳаётнинг ўзига хос хусусиятларидан бири глобаллашув тенденциясининг ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этаётганидир.

Кейинги йилларда давлатимиз раҳбари халқаро минбарларда саноат кооперацияларини ривожлантириш муҳимлиги борасида қатор таклиф ва ташаббусларни илгари сурмоқда. Бу Ўзбекистоннинг халқаро майдонда содир бўлаётган жараёнларни теран нигоҳ билан кузатаётгани, жаҳон сиёсатининг чигал ва ўзгарувчан характерини изчил тафаккур билан идрок қилаётганидан далолат беради. Сабаби, **бугунги глобаллашув дунёни иқтисодий, сиёсий, диний ва маданий интеграцияга бошламоқда.**

Экспертларнинг фикрича, саноат кооперацияси дунёни иқтисодий томондан бирлаштирувчи энг муҳим омиллардан бири ҳисобланади. **Саноат кооперацияси – муайян маҳсулотларни ишлаб чиқарадиган мустақил корхоналар ўртасида ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ёки капиталлаштириш, маркетинг ва режалаштиришни назарда тутувчи бирлашмадир.** Бундан ташқари, **саноатдаги кооперация ишлаб чиқариш таннархининг камайишига** ва дунё давлатлари ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликда катта роль ўйнайди. Бу турли корхоналарни маълум бир фаолият турлига ихтисослаштириш имконини беради.

Саноат кооперациясининг аҳамиятини яхшироқ англаш учун дунёнинг энг йирик иқтисодий иқтисодиёти, Ўзбекистоннинг энг йирик ташқи савдо ҳамкорларидан бири Хитой иқтисодиётидаги ролига назар ташлаймиз.

Бугунги Хитой дунёда саноат кооперацияси энг ривожланган давлатлардан бири ҳисобланади. Жумладан, **саноат кооперацияларини мустаҳкамлаш Хитой учун иқтисодий ўзгаришларни тезлаштиришнинг ишончли йўли сифатида** қаралади. Хитой 220 дан ортик турдаги саноат маҳсулотлари, шу жумладан, пўлат, цемент ва автомобиль ишлаб чиқариш бўйича дунёдаги энг йирик ишлаб чиқарувчилардан ҳисобланади.

Хитойда дунёдаги станокларнинг 38%, кемаларнинг 41%, электр энергияси ишлаб чиқариш ускуналарининг 60% ишлаб чиқарилади. Эътиборли жиҳати, айнан шу тармоқларда саноат кооперациялари кучли ривожланган.

Иқтисодчиларнинг фикрича, **халқаро саноат кооперациясини мустаҳкамлаш ривожланаётган мамлакатлар эҳтиёжларига хизмат қилади.**

Чунки, халқаро саноат кооперацияси ресурсларнинг эркин айланишига, бозор интеграциясига ёрдам беради. Бу ўз-ўзидан дунё-



даги мувозанатсиз ривожланиш ва ресурсларни адолатсиз тақсимлаш статус-квосини ўзгартиришнинг самарали усулидир.

Жаҳон саҳнасида содир бўлаётган воқеалар мувозанатлар ўзгаришига ишора қилмоқда. Халқаро саноат кооперациясини мустаҳкамлаш барқарор ҳамкорликни ўз ичига олган янги халқаро муносабатларни шакллантиришнинг муҳим босқичидир.

Илғор тараққиётнинг асосий шартларидан бири кўпбанд субъектларнинг сая-ҳаракатларини бирлаштиришдир. Халқаро саноат кооперацияси тизимли лойиҳа бўлиб, барча томонлар ўртасида мувофиқликнинг таъминлишини талаб қилади.

Кооперация маълум бир корхонада

маълум бир ресурсларнинг йўқлигини уларнинг қайта тақсимлини туфайли қоплайди. Натижада бу корхона ривожланиш циклининг узлуксизлигини таъминлайди.

Анъанага кўра, саноат кооперацияси ҳар бир тармоқнинг ихтисослашуви ва ўзига хос имкониятларидан максимал даражада самарали фойдаланиш вазифасини кўяди. Кооперациянинг ривожланиши, шунингдек, ихтисослашувнинг ўсиши, концентрация ва ишлаб чиқаришнинг ихтимойлашуви жараёнининг кучайишини таъминлайди.

Рақобатнинг кучайиши иқтисодиёт субъектларини ҳамкорликнинг янада барқарор шакллари излашга ундайди, ўзаро боғлиқлик ва бошқарув усуллари билан фарқ қи-

лувчи интеграцион субъектлар пайдо бўлиши рағбатлантиради. Шу муносабат билан ишлаб чиқариш кооперациясининг прогрессив механизмларини рағбатлантириш мақсадга мувофиқдир.

Қозоғистондаги Ташқи сиёсатни ўрганиш институти етакчи эксперти Қайрат Нуртазин The Astana Times газетасига берган интервьюсида **саноат кооперациясига эътибор кучайиб бораётганини минтақавий жараёнларнинг янги тенденцияси** сифатида баҳолайди.

Унинг фикрича, сўнгги йилларда минтақа ташқи таъсирлардан мустақил равишда ўз манфаатларини биргаликда ҳимоя қилиш учун интилоқда. Бу интилиш Шавкат Мирзиёев ҳокимиятга келганидан сўнг сезиларли даражада кучайган.

У "Ўзбекистон Қозоғистонда автомобиль йиғиш лойиҳаларини йўлга қўйган, Қирғизистон Республикаси ва Туркменистонда ҳам шундай ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш бўйича келишувларга эришган. Шу сабабли Ўзбекистон бу борада етакчи ҳисобланади. Халқаро саноат кооперацияси маркази қурилиши Қозоғистон – Ўзбекистон чегарасида минтақавий ишлаб чиқариш марказини яратади", деган қозоғистонлик эксперт.

Инновацион иқтисодиётни ривожлантириш нуқтаи назаридан саноат кооперациялари корхоналар ўртасидаги рақобатни интеграцияга, ҳамкорликни ривожлантиришга айлантиради. **Рақобатбардошлик ва импорт босими компанияларни иш ҳақи ва малакали кадрлар бўйича минтақалараро имкониятлардан фойдаланишга мажбур қилади.**

Иқтисодий таҳлилчиларнинг тахминларига кўра, **саноат кооперациясининг шартли улуши йилга 2-3 фоиз қўшимча иқтисодий ўсишни** таъминлаш имконини беради.

Давлатимиз раҳбарининг жаҳон минбарларига чиқиб таклиф қилаётган саноат кооперацияларини ривожлантиришнинг тағмирида Марказий Осиё минтақаси иқтисодиётини кўтариш, халқаро бозорларга чиқиш, глобаллашаётган дунёнинг фаол бўлаги бўлиш каби эзгу мақсад мужассамлигини англаш мушкул эмас. Бир сўз билан айтганда, саноат кооперациялари бугун шиддат билан глобаллашаётган дунёнинг талабидир. Буни чуқур англагани учун ҳам Ўзбекистоннинг таклифлари ҳаётӣ, тутган йўли эса барқарорликка етаклашни дунё тан олмоқда.

Аҳмад ҚУРБОНОВ,
сиёсий шарҳловчи.

8 ДЕКАБРЬ – ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КУН

ИЖТИМОЙ ДАВЛАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТИ

Инсоннинг бахтли ва саодатли ҳаёт кечиришининг муҳим омилларидан бири унинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашдир. Шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари муҳофазасининг энг асосий кафолатлари эса мамлакат Конституциясида акс этади.

2023 йилда Ўзбекистон халқи тарихий воқеага гувоҳ бўлди. Кенг жамоатчиликнинг ҳар томонлама муҳокамасидан сўнг янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинди, бу Ўзбекистон халқининг бугуни ва келажаги учун улкан воқелик бўлди. Янги қабул қилинган Конституция нормалари Ўзбекистон халқининг демократик бошқарув тамойилларига содиқлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Конституцияга киритилган янги нормалар замирида инсон ҳуқуқлари ва унинг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадлари ётади. Конституциядаги бир қатор янги нормалар узоқ йиллар давомида халқимизни қийнаб келган муаммоларнинг ечимига қаратилгандир.

Президентимиз 2022 йил 20 июнда Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашувда "Асосий қонунида "Ўзбекистон – ижтимоий давлат" деган тамойилни мустаҳкамлашни таклиф этаман. Чунки "инсон қадр" тушунчаси билан чамбарчас боғлиқдир. Ушбу ғоянинг туб негизида ҳам аввало инсон қадрини улуғлаш, инсонга хизмат қилишдек олижаноб мақсад мужассамдир", деб таъкидлаган эдилар.

Янги таҳрирдаги Конституциянинг 1-моддасида "Ўзбекистон – ижтимоий давлат" тамойили мустаҳкамланди. Конституцияда давлатнинг ижтимоий соҳадаги мажбуриятларига оид нормалар бир неча баробарга

кўпайтирилди.

Жумладан, янги таҳрирдаги Конституцияда ҳар кимнинг уй-жойли бўлиш ҳуқуқига эгаллиги белгиланди. Конституцияга мувофиқ, ҳеч ким суднинг қарорисиз ва қонунга зид тарзда уй-жойидан маҳрум этилиши мумкин эмас. Уй-жойидан маҳрум этилган мулкдорга уй-жойнинг қиймати ҳамда у кўрган зарарларнинг ўрни қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда олдидан ҳамда тенг қийматда қоплашни таъминланади.

Шунингдек, Конституцияга янги киритилган нормага кўра, "Давлат уй-жой қурилишини рағбатлантиради ва уй-жойга бўлган ҳуқуқнинг амалга оширилиши учун шарт-шароитлар яратади. Аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд тоифаларини уй-жой билан таъминлаш тартиби қонун билан белгиланади."

Инсоннинг фаровон ҳаёт кечириши учун муносиб уй-жой зарур. Бу одамларга хавфсизлик, шахсий ҳаёт ва шахсий дахлсизлик туйғу-

сини бериши мумкин бўлган мақоми тақдим этади. Бундан ташқари, уй-жой бошқа иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлардан, масалан, соғлиқни сақлаш, таълим ва иш билан таъминлаш имкониятларидан фойдаланиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Ушбу модда ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларни уй-жой билан таъминлашни давлат мажбурияти сифатида белгилаб, ҳуқуқнинг фаровонлигини уй-жойга бўлган эҳтиёжларини таъминлаш тартиби қонун билан белгиланишини таъкидламоқда. Бу мажбурият нафақат ижтимоий адолат ва инсон ҳуқуқлари тамойилларига асосланади, балки жамиятнинг умумий фаровонлигига ҳам хизмат қилади. Агар одамлар арзон ва муносиб уй-жойга эга бўлса, бу жамоаларда барқарорликни таъминлайди, ижтимоий тенгсизликларни камайтиради ва инклюзив ривожланишни рағбатлантиради. Бундан ташқари, ушбу норма уй-жойни асосий инсон ҳуқуқи сифатида тан оладиган халқаро ҳуқуқ нормаларига мос келади.

Ўзбекистоннинг уй-жой ҳуқуқини давлат мажбурияти сифатида таъминлашга содиқлиги унинг халқаро-ҳуқуқий мажбуриятларига мос келади ва фуқароларнинг фаровонлиги ва кадр-қимматини сақлашга содиқлигини кўрсатади. Ушбу конституциявий қоида уй-жойга бўлган эҳтиёжни самарали ҳал этиш бўйича ҳуқуқат сиёсати ва дастурларини йўналтирувчи асосий тамойил бўлиб хизмат қилади. Ўзбекистон фуқароларини

муносиб уй-жой билан таъминлаш орқали нафақат халқаро ҳуқуқ доирасидаги мажбуриятларини бажарибгина қолмай, балки ижтимоий ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга эришади, иқтисодий тараққиётга кўмаклашади ва аҳолининг умумий фаровонлигини таъминлайди.

Конституцияга янги киритилган нормага кўра, "Меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори инсоннинг муносиб турмуш даражасини таъминлаш зарурати ҳисобга олинган ҳолда белгиланади". Албатта, меҳнат қилаётган ҳар бир инсон ўзининг ва оиласининг эҳтиёжларини қондириш учун етарли маблағга эга бўлишни хоҳлайди.

Ходимларнинг ҳуқуқларини ва уларнинг ўз меҳнатлари эвазига муносиб иш ҳақи олишини таъминлаш давлатнинг муҳим ижтимоий вазифаларидан бири ҳисобланади. Муносиб иш ҳақи олган инсон ўз ҳаётидан мамнун бўлади. Мазкур шахсда давлат ва унинг фаолиятига позитив ишонч ҳисси пайдо бўлади. Шу жиҳатдан инсон ҳаётида муносиб иш ҳақи муҳим аҳамиятга эга.

Ушбу норманинг Конституцияда белгиланиши эса меҳнат қилаётган ходимнинг муносиб иш ҳақи олишининг кафолатларидан бири бўлиб хизмат қилади. Масалан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида ҳар бир ишловчи шахс муносиб яшашини таъминлайдиган адолатли ва қониқарли даромад олиш ҳуқуқига эга эканлиги мустаҳкамланган. Конституцияда белгиланган бу меъёр, биринчи навбатда, ҳар бир Ўзбекистон фуқаросининг муносиб турмуш тарзига бўлган

асосий ҳуқуқи кафолати бўлиб хизмат қилади. Бу ҳуқуқнинг ўз аҳолисини, хусусан, кам маош олувчилар фаровонлигини ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш масъулиятини оширади. Давлат яшаш харажатлари ва асосий эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда энг кам иш ҳақини белгилаш орқали одамларнинг муносиб ҳаёт кечириши учун зарур бўлган нарсаларни сотиб олиш имкониятини таъминлашга ёрдам бериши мумкин.

Бундан ташқари, ушбу норма даромадлар тенгсизлиги ва камбағалликни камайтиришга ёрдам беради. Энг кам иш ҳақи муносиб турмуш даражасини таъминлайдиган даражада белгиланса, жамиятнинг турли қатламлари ўртасидаги иш ҳақи фарқини камайтиради. Бу кам таъминланган ишчиларни қўллаб-қувватлашга ёрдам беради ва ижтимоий тенгликни рағбатлантиради, шу билан мамлакат ичида бойлик ва ресурсларни янада адолатли тақсимлашга ёрдам беради. Ушбу норма иқтисодий ўсиш ва ривожланишга ҳам таъсир қилади.

Энг кам иш ҳақи ҳисобига муносиб турмуш даражасини кафолатлаш орқали одамлар ўз ишларида мотивация, қониқиб ва самаралироқ бўлишлари мумкин. Бу, ўз навбатида, умумий меҳнат унумдорлигини ошириши ва барқарор иқтисодий ривожланишга ҳисса қўиши мумкин.

Жаъфар ҚУРБАНОВ,
Жиноят ишлари бўйича
Чилонзор туман судининг
судьяси.

+10
+15
Коракалпоiston
Республикаси
Хоразм+13
+18
Бухоро
Навоий+13
+18
Тошкент
Самарқанд+15
+18
Қашқадарё
Гулистон+15
+20
Андижон
Наманган
Ферғана+16
+18
Тошкент
шаҳри


t.me/uzbekiston_ovozi_gazetasi

facebook.com/uzbovozi

ozi.uz

«МЕНИНГ БИРИНЧИ УЙИМ»

ДАСТУРИ БОШЛАНМОҚДА



«МЕНИНГ БИРИНЧИ УЙИМ» ДАСТУРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРИ ЛОЙИҲАСИ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУҶЖАТЛАР ЛОЙИҲАЛАРИ МУҲОКАМАСИ ПОРТАЛИГА ЖОЙЛАШТИРИЛДИ. УШБУ ДАСТУР ДОИРАСИДА КЎП КВАРТИРАЛИ УЙ-ЖОЙЛАР, ЙЎЛ-ТРАНСПОРТ, МУҲАНДИСЛИК-КОММУНИКАЦИЯ ҲАМДА ИЖТИМОЙ ИНФРАТУЗИЛМА ОБЪЕКТЛАРИНИ ЛОЙИҲАЛАШТИРИШ ВА ҚУРИШ ИШЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАДИГАН ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ТЕНДЕР САВДОЛАРИ АСОСИДА АНИҚЛАНАДИ.

Қуриладиган уй-жойлар аҳолига имтиёзли ва бозор шартларида реализация қилинади. Имтиёзли уй-жойлар охириги 5 йил давомида мулк ҳуқуқи асосида уй-жойга эга бўлмаган оилаларга, 15 фоиз миқдорда бошланғич тўлов асосида 20 йил муддатга бўлиб-бўлиб тўлаш шартларида сотилади. Шу билан бирга, уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган шахсларга имтиёзли уй-жойлар бўйича бошланғич тўловнинг бир қисmini қоплаш учун қатъий белгиланган 32 миллион сўм миқдорида, ойлик тўловларининг бир қисmini қоплаш учун беш йил давомида ҳар ойлик қатъий белгиланган 1 миллион сўм миқдорида давлат бюджети ҳисобидан субсидиялар ажратилади.

Маълумотларга кўра, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги томонидан

Туркиянинг ТОКИ давлат компанияси билан ҳамкорликда «Менинг биринчи уйим» дастури ишлаб чиқилган. Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳамда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг «Менинг биринчи уйим» дастури биринчи босқичини тажриба-синов тариқасида Зангиота тумани «Туркистон» МФЙда амалга ошириш тўғрисидаги таклифига розилик берилмоқда.

Ушбу дастур доирасида амалга ошириладиган қурилиш ишларини мувофиқлаштириш учун Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳузурида давлат муассасаси шаклидаги «Менинг биринчи уйим» дастури амалга ошириш дирекцияси ташкил этилади ва унга қуйидаги ҳуқуқлар берилади:

- тадбиркорлик субъектлари билан давлат-хусусий шерикчилик битимларини тузиш

ва битим шартларини мустақил белгилаш;
- «22626» махсус ҳисобварағини очиш ва ундаги маблағлардан фойдаланиш.

Дастурни амалга оширишнинг молиялаштириш манбалари этиб қуйидагилар белгиланган:

- кўп квартирали уй-жойлар, йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация тармоқлари, бозор инфратузилмаси объектларини лойиҳалаштириш ва қуриш, ҳудудларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш учун дирекция ва тадбиркорлик субъектларининг маблағлари, тижорат банкларининг кредитлари;

- ижтимоий инфратузилма объектлари (мактабгача ва умумий ўрта таълим муассасалари ҳамда тиббиёт пунктлари)ни лойиҳалаштириш ва қуриш учун — Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар, Тадбиркорлик инфратузилмасини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ва қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар. Бунда ижтимоий соҳа объектлари давлат-хусусий шериклик асосида қурилганда, молиялаштириш давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимга мувофиқ амалга оширилади.

Тошкент вилояти ҳокимлиги дастурнинг биринчи босқичини амалга ошириш учун белгиланган тартибда ер участкасини ажратиш ишларини амалга оширади.

Эслатиб ўтишимиз лозимки, Президент Шавкат Мирзиёев 2022 йил 22 сентябрь куни Нурафшон шаҳрида халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши сессиясида иштирок

этиб, вилоятдаги ҳар бир фуқарога бир марта янги қурилган хонадонни имтиёзли ипотека олиш имкониятини бериш кераклигини таъкидлаганди. Шу муносабат йиғилишида 2023 йилдан «Менинг биринчи уйим» янги ипотека дастури Тошкент вилоятдан бошлаш таклиф қилинганди.

2023 йил 5 апрелдаги Президент раислигида «Янги Ўзбекистон» массивларида уй-жой қурилиши ва 2023 йил учун ипотека дастури амалга ошириш бўйича устувор вазифалар юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида «Менинг биринчи уйим» дастури бошлаш учун Қурилиш вазирлиги ҳузурида махсус уй-жой компанияси ташкил этилиши, унга Зангиота туманидан 36 гектар ер майдони ажратилиб, ушбу ҳудудни комплекс ривожлантириш лойиҳаси ишлаб чиқиши маълум қилинганди.

Ушбу ҳудудда 2,5 минг оилага мўлжалланган, барча стандартларга жавоб берувчи қўлай ва энергия тежамкор 58 та кўп қаватли уй-жой барпо этилиши таъкидланган. Шунингдек, уйлардаги 2 ва 3 хонали хонадонлар учун ойлик тўлов миқдори «амалдаги субсидияли ипотека тўловларидан арзон бўлиши» таъкидланганди. Уша йиғилишда Қурилиш вазирлиги, Тошкент вилояти ҳокимлигига бир ҳафта муддатда «Менинг биринчи уйим» шахарчасининг мастер режасини яқунлаш, лойиҳани экспертлар ва жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш топширилганди.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
“Ўзбекистон овози” муҳбири.

Аргентина: СОБИҚ ЭКСПЕРТ ПРЕЗИДЕНТ БЎЛДИ

Якшанба, 19 ноябрь кuni
Аргентинада Президентлик сайловларининг иккинчи босқичи якунига етди. 53 ёшли иқтисодчи ва телевидениенинг собиқ эксперти Хавер Милейнинг ғалабаси 1940-йиллардан бери Аргентина сиёсатида ҳукмронлик қилган перонистларнинг гегемонлигини тўхтатди.

Ўзининг жўшқин сиёсий нутқлари билан сайловчиларнинг катта қисmini ортидан эргаштира олган Милей кутилганидан кўра каттароқ фарқ билан ғалаба қозонди. У 56% овоз тўплаган бўлса, рақиби перонист, иқтисодиёт вазири Серхио Масса учун 44% дан сал кўпроқ сайловчи овоз берди.

Октябрь ойида бўлиб ўтган биринчи босқичда Милей 30 фоиз, Масса эса 37 фоиз овоз тўплаган эди.

Иккинчи босқичдаги овоз бериш оддий, оммабоп овоз бериш бўлиб, унда фақат Масса ёки Милей учун берилган бюллетенлар ҳисобга олинади, бўш ёки ҳақиқий эмас, деб топилган овозлар ҳисобланмайди. Овоз бериш мажбурий бўлса-да, бу йил фуқароларнинг сайловда иштироки паст бўлди. Иккинчи босқич ғолиби 10 декабрда ўз лавозимига киришади.

Серхио Масса якшанба оқшомида қисқача нутқ сўзлаб, расмий натижалар эълон қилинишидан олдин иккинчи тур овоз бериш натижаларини тан олди. «Милей - кейинги 4 йилга сайланган президент», деди Масса. У, шунингдек, аллақачон Милейни табриклаш учун кўнғироқ қилганини кўшимча қилган.

Натижалар эълон қилинганидан кўп ўтмай, Милей саҳнага чиқиб, мамлакатни янги сиёсий даврга олиб киришга ваъда берган.

«Бугун биз тарих саҳифасини очамиз ва биз ҳеч қачон йўқотмаслигимиз керак бўлган йўлга тушамиз», деган Милей.

Милейнинг кутилмаганда ҳокимият тепасига келиши кўпгина таҳлилчиларнинг фикрича, минтақада ўта ўнг популяризм қайта тикланишининг белгиси сифатида кўрилмақда.

Ижтимоий консерватив қарашларга эга Хавер Милей ўзининг сайловолди чиқишларида аборт ҳуқуқларига қаршилигини билдириб, иқлим ўзгаришини «социализм ёлғони» деб атаган. У Аргентинанинг маданияти, таълим ва хилма-хиллик вазирликлари эшиги ва давлат субсидияларини бекор қилиш орқали ҳукумат харажатларини қисқартиришга ваъда берган.

Долларлаштириш бўйича мунозара-

ли режасидан ташқари, у ўз фарзандларини хусусий тартибда ўқитишни танлаган оилаларни қўллаб-қувватлаш учун давлат маблағларидан фойдаланишни ва ҳатто Аргентинада доимо давлат қарамоғида бўлган соғлиқни сақлаш соҳасини хусусийлаштиришни таклиф қилган.

Шунингдек, у Марказий банкни ёпиш ва песодан воз кечишни таклиф қилмоқда.

Экспертларнинг таҳминларига кўра, Милейнинг ғалабаси Аргентинанинг сиёсий қиёфасини ва иқтисодий йўл харитасини силкитади. Чунки, Милей Хитой ва Бразилияни танқид қилиб, АҚШ билан мустаҳкам алоқаларни йўлга қўйишни айтган.

Аргентиналикларнинг 40% дан ортиги қашшоқликда яшайди. Халқаро валюта жамғармаси билан 44 миллиард долларлик қарз дастури, инфляция 150% га яқинлашаётгани ва бу йил иқтисодиёт яна қисқариши кутилмоқда. Ҳукумат халқаро капитал бозорларига кириш имконига эга эмас ва Марказий банк валюта назоратини қўллаб-қувватлаш учун амалда пулсиз қолган.

Бунинг устига Милей тарқоқ Конгресс олдида турибди, яъни унинг блокки кўпчилик ўринга эга эмас. Демак, у ўзгаришлар учун бошқа фракциялардан ёрдам олиши керак.

**15 НОЯБРДАН 15 ДЕКАБРГАЧА ЁНҒИН
ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ**

БЕПАРВО БЎЛМАНГ

Инсон ҳаётига таҳдид солувчи офатлардан бири ёнғин бўлиб, у қай тарзда юзага келган бўлишига қарамай, ўзининг мудҳиш изларини қолдиради. Айнан мана шу офат сабабли дунё бўйлаб йилига қанчадан қанча кишилар соғлиғидан ажралади, бошпанасиз қолади, айримлар ҳалок бўлади. Бундан ташқари, корхона ва ташкилотлар биноларида содир бўлган ёнғинлар иқтисодиётга ҳам салбий таъсир кўрсатади.

Қундалик турмушда оловнинг ўрни беқиёс, бироқ ундан фойдаланишнинг ҳам ўз йўли, қонун-қоидалари бор. Уларга доимо амал қилинади ҳаётимиз беҳавотир, тинч, осуда ва чиройли кечади. Биз шу оддий, аммо аҳамияти катта бўлган йўл-йўриқлардан доимо огоҳ бўлмоғимиз даркор.

Турли вазиятларни ҳисобга олган ҳолда ҳар бир корхона-ташкilotда бирламчи ёнғин ўчириш воситалари бўлади. Аммо ёнғинларнинг олдини олишда, ўт ўчиришдаги асосий масъулият кишилар зиммасига тушишини унутмаслигимиз лозим.

Шундай нохуш ҳолатларнинг олдини олиш, турар жой биноларининг ёнғинга қарши ҳолатини мустаҳкамлаш ишларига маҳалла оқсоқоллари ва фаоллари ҳам ўз эътиборини қаратса, ёнғин хавфсизлиги талабларида риоя қилмаган хонадонлар эгалари маҳаллаларида кўриб чиқилса, ҳар бир фуқаро ёнғиннинг олдини олишга эътибор берса ўз уйимизни, мол-мулкимизни ва фарзандларимизнинг ҳаётини хавф-хатардан сақлаб қолган бўлар эдик.

Б. САБИРОВ,
Президент Администрациясига қарашли
биноларда ЁХТТЕ бўлиниши мутахассиси,
катта сержант.

MUASSIS:

O'zbekiston ovozi

TAHRIR HAY'ATI:

Ulug'bek INOYATOV

Ulug'bek VAFOYEV

Maqsuda VORISOVA

Qalander ABDURAHMONOV

Guliston ANNAQLICHEVA

Muslihidin MUHIDDINOV

Hayotxon ORTIQBOYEVA

Shuhrat ISLOMOV

Toshtemir XUDOYQULOV

Bosh muharrir: To'liqin TO'RAXONOV

MANZILIMIZ: 100135, Toshkent, Bunyodkor shoh ko'chasi, 50 «A»-uy.

Telefonlar: (71) 239-12-14

Reklama b'limi: (91) 190-19-49. E-mail: uzbovozi@mail.ru

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi

bosmaxonasida chop etildi.

Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV

Sahifalovchi: Bekzod ABDUNAZAROV

Г — 1136. 6763 nusxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni — 22:12

Topshirilgan vaqti — 23:25

1 2 3 4 5 6

Sotuvda kelishilgan narxda

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.